

Фарзандларимиз —
бизнинг келажагимиз.
Халқимиз эртасининг
қандай бўлиши
фарзандларимизнинг
бугун қандай таълим ва
тарбия олишига боғлиқ.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 18-aprel, chorshanba № 31 (8472)



Bolalar sporti

ЧУСТДА ШУНДАЙ МАКТАБ БОР

Наманган вилояти Чуст туманида жойлашган 6- стол-тенниси бўйича ихтисослашган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида этти юзга яқин ўғил-қиз тарбияланади.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасида мазкур мактаб биноси тўла реконструкция қилиниб, жаҳон андозалари даражасидаги иншоотга айлантирилди. Спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан тўлиқ таъминланган муассасада машгулот-

лар малакали мураббийлар томонидан олиб борилади.

Бу ерда тарбияланаётган Мадина Аюбова, Зокир Олимов, Шаҳзода Жумабоева, Нозима ўйисова каби ёш теннисчилар мамлакатимиз терма жамоасида ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

Суратда: машгулот жараёнидан лавҳа.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

ЁШЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ФАЛСАФАСИ ВА МЎЛЖАЛЛАРИ

Онги, тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди. Бу ҳақиқатни барчамиз, аввало, бугун ҳаётда кира келаётган ёшларимиз яхши англаб олганига ишонаман.

Ислом КАРИМОВ

Ҳозирги ёшлар мустақиллик даврида яшапти, юртимизда ва жаҳонда юз бераётган эврилишлар уларнинг ҳаётий фалсафаси ва мўлжалларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Лекин давр ўзгаришларига бирон маъно-мазмун юклаш ёшларнинг онг-тафаккури, дунёқараши, ҳаёт тарзи орқали ҳам содир бўлади.

Ёшликнинг ҳаётий фалсафаси ва мўлжаллари — илм-фан сирларини ўрганиш, бирор бир касбни пухта эгал-

лаш, мамлакат олдида турган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этиб, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш билан халққа, Ватанга хизмат қилишдан иборат бўлмоғи лозим. Буни ёшларимиз қанча эрта англаб етса, унга эришиш имконияти шунча юқори бўлади.

Ёшлик — мақсадга эришишда муҳим босқич. Умумтаълим мактабларида, акаде-

мик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ёки олий ўқув юртларида билим олаётган ёшларнинг ҳаётий фалсафаси ва мўлжаллари тўғри шакланган бўлиши мамлакат тараққиёти нуктаи-назаридан стратегик аҳамиятга эга. Буни ҳар бир ёш аниқ ҳис этиши керак.

Ёшлик — илм-фан сирларини билиш, касб-ҳунар эгаллаш даври. Бунинг учун ҳар бир йигит-қиз ўзининг қизиқиши, билим ва салоҳиятини ҳисобга олиб, кейинги мустақил ҳаёт йўлини масъулият билан белгилаб олиши керак. Мақсадга эришиш учун хоҳиш-истак, фидойилик, сабр-қаноат, қатъият, ирода ҳам зарур бўлади.

(Давоми 5-бетда.)

ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ, СПОРТ

инсонни баркамолликка
элтувчи муштарак уч йўл

Чаманзор гулу райҳони билан файзли ва муаттар бўлса, инсон одоби, тарбияси билан гўзалдир. Боболаримиз азалдан камтар ва кўнгли очик кишиларни хуш кўришган, ардоқлашган. Бу ҳислат қандай соҳа бўлишидан қатъи назар, юрт ривожига ўз улушини қўшиш орзуси билан яшаётган одамга безакдир. Айниқса, мамлакатимиз шуҳратини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилиб, медаллар шодасини қўлга киритаётган спортчиларимизу мактаб парталарида билим олаётган, спортга эндигина қизиқа бошлаган навжирон авлод вакиллари тарбиясининг гўзал бўлиши нихоятда муҳим.

Юртбошимиз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг бу йилги йиғилишида мазкур мавзуга алоҳида тўхталиб, таълим ва тарбия ишларини спорт ва жисмоний тарбия билан уйғун равишда олиб бориш шарт эканини таъкидлагани бежиз эмас. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобидаги "Бундан буён барча режаларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан жой олиши лозим", деган чуқур мазмундаги фикри ҳам ёдга тушади. Спорт танани чиниқтирибгина қолмай, балки ҳаёт синовларидан, турли руҳий ва мафкуравий хуружлардан мардонор ўтиш йўлида мустаҳкам қалқон бўлувчи ирода-ни ҳам тоблайди.

Спортда муваффақиятга эришиш тартиб-қоидага қатъий риоя қилиш билан боғлиқдир. Мактабда таълим олаётган ўқувчи дарсдан сўнг бирор спорт тўғарагига қатнашишни одат қилган бўлса, у ҳар бир кунини режалаштириб олади. Чунки болани спорт зали, ўзи меҳр қўйган спорт тури билан эмин-эркин шуғулланиш учун яратилган шарт-шароит доимий ҳаракатга чорлаб туради. Ҳатто спорт тўғараги машгулотлари ҳам

Dolzarb mavzu

тартибга асосланган: болалар аввал зал бўйлаб бир неча маротаба югуришади, турли чигалёзди машқларини бажаришади ва шу тариқа янги кўникмаларни навбатма-навбат ўзлаштириб боришади. Ўқувчи спорт тўғарагига қатнаётгани сабабли ҳам бошқа ишларига ўз вақтида улғуришга интилади. Пировардида унда масъулият ҳисси шаклланади, мустаҳкамланади.

Энг муҳими, спортга ошно бўлган ўқувчининг ҳар хил бекорчи ишларга вақти бўлмайди. Ўқитувчилар ҳам доим интернет клубларда ёки бошқа фойдасиз юмушлар билан кунини ўтказиб, мактабга кам қелувчи айрим дангаса тенгдошларига спортсевар болаларни ўрнат қилиб кўрсатишади.

Болалар спорт мусобақалари туфайли олис вилоятлар, ҳатто хорижий мамлакатларга ҳам боришади. У ерда асосан янги таас-суротларга эга бўлади, дўстлар орттиради, дунёқараши кенгайди. Яна бир муҳим жиҳати шуки, оиласидан узоқда юргач, ота-онаси, дўстларининг қадрига етишни ўрганади. Бу ҳолат спортчи-ўқувчини ўз яқинларига нисбатан меҳрли бўлишга ундайди.

(Давоми 3-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

БАРҚАРОР БАНК ТИЗИМИ
КУПАЙ ИШБИПАРМОНДИ
МУҲИТИНИНГ
МУСТАҲКАМЛАНИШИГА
ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

2-бет

КОМПЛЕЖ
БИТИРУВЧИСИ
ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

6-бет

ЎҚИТУВЧИГА ЭНГ
КЕРАГИ...

11-бет

ПЛАГИАТНИК —
УЎҚИРНИК(МИ)?

12-бет

БАРҚАРОР БАНК ТИЗИМИ ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида банк-молия соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида бугун мамлакатимиз банк тизими барқарор фаолият олиб бормоқда. Бунинг яққол далилини сўнгги икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимида нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан "барқарор" рейтинг даражаси берилганлиги ва шундай баҳога сазовор бўлаётган банкларимиз сони ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлди" маърузасида 2011 йилда депозитларга 2010 йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилинганлиги алоҳида таъкидланди.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортиб, банклар қўйилмаларининг 75 фоиздан кўпрогини уч йилдан зиёд бўлган узок мuddатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажми 7 баробар ошган алоҳида эътиборлидир.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан 2011 йилнинг якунлари бўйича мамлакатимизнинг барча минтақаларида сўров ўтказилди. Сўровда банк-молия тизими ҳақида жамоатчилик фикри ўрганилиб, соҳага оид муҳим натижаларга қайд этилди. Мамлакатимиз тараққиётида банк тизимининг алоҳида ўрни борлигини иштирок этган респондентларнинг деярли барчаси алоҳида эътироф этдилар. Банк тизими ҳақида фикр билдирганларнинг аксарият қисми мамлакатимиз банкларининг бугунги фаолияти бўйича "юқори" баҳони кўрсатган.

Социологик сўровда тижорат банкларига тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган молиявий кўмак, яратилган шарт-шароит, аҳоли омонатлари бўйича тақлиф этилаётган хизматларнинг кенг қамровли экани, тижорат банклари томонидан миқдорларга янада қулайликлар яратиш мақсадида замонавий технологиялар асосида юқори даражада хизмат кўрсатилаётгани, банклар томонидан кенг қўламдаги масlahат бериш ва масаланинг ечимида яқиндан ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилаётгани респондентлар томонидан алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, ўтказилган сўровда бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини кредитлаш бўйича белгиланган барча чора-тадбирларга амал қилинган

ҳолда юқори даражада хизмат кўрсатилаётгани, миқдор талаблари ўз вақтида бажарилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Айниқса, мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, иқтисодиётни барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омилли бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чораларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида берилган саволларга сўровда иштирок этганларнинг мутлақ кўпчилиги банк кредитлари бугунги кунда тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этган.

Сўров натижалари таҳлили мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай муҳит яратилгани, банк кредитларидан фойдаланиб ўз бизнесини ташкил этаётган ёки кенгайтираётган тадбиркорлар сафининг кенгайиб бораётганини кўрсатди. Бинобарин, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётганини, жумладан, 2011 йилда банклар томонидан соҳага ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар ошиб, қарийб 4,1 триллион сўмни ташкил этгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Банклар томонидан ўз ишини бошлаётган тадбиркорларга микрокредитлар ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса мамлакатимизда минглаб тадбиркорларнинг кичик кредитлардан фойдаланган ҳолда ўз ишини очиб, бугун кўпчиликка ўрناк бўладиган йирик тадбиркорга айланишига хизмат қилмоқда. Мазкур сўровда ҳам тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун микрокредитлар ажратиш кенг йўлга қўйилганини респондентларнинг 92,5 фоизи эътироф этган.

Мамлакатимизда ёшларнинг, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бугун устувор вазифалардандир. Бу борада банк тизи-

мида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини аниқлаш мақсадида берилган саволларга сўровда иштирок этган респондентлар 2011 йил мобайнида тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойihalарини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидладилар.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойihalарини молиялаштириш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масаласи банкларнинг доимий эътиборида. Хусусан, 2011 йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойihalарини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 25,6 миллиард сўм ёки 2010 йилга нисбатан 3,2 баробар кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилган.

Мустақилликнинг илк кунларидан мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, оиладаги, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бу йўналишдаги энг муҳим вазифалардандир.

Сўровда иштирок этган респондентлар томонидан мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш учун тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда олиб борилаётган ишлар ижобий баҳоланган. Тадбиркор аёллар учун кредитлар ажратиш масаласига тижорат банкларига алоҳида эътибор қаратилганлиги респондентларнинг 88,3 фоизи алоҳида таъкидлаган.

Тадбиркор аёлларга молиявий кўмак беришни кенгайтириш борасида 2011 йил давомида қўрилган чоралар натижасида аёллар тадбиркорлиги учун тижорат банклари томонидан 335,6 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилган. Ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар ўсган.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уй меҳнатини энгиллаштириш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб этиш мақсадида уларга кредитлар беришни кенгайтиришга оид чора-тадбирлар белгилангани оила кўргонининг ҳам қароғи, ҳам чароғони бўлган аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг жамиятда мавқеи янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Давлат дастурига мувофиқ, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб этиш учун тижорат банклари томонидан жорий йилда 365 миллиард сўмдан

ортиқ миқдорда кредитлар ажратилиши белгиланган. Бу хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ қўллаб-қўллаш лойihalари рўёбга чиқишига, уларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда жамият тараққиётидаги иштироки янада кенгайишига хизмат қилади.

Сўровда банкларда миқозларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини янада ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижалари ҳам алоҳида эътироф этилди.

Бугунги кунда банк ходимларининг миқозларга муомала ва хизмат кўрсатиш маданияти муттасил ошаётгани, миқозларга юқори даражада хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани, яратилган қулайлик ва имкониятлар ҳақида баътафсил маълумотлар берилаётгани, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш натижасида миқозларга янада қулайликлар яратилаётгани сўровда иштирок этганларнинг асосий қисми томонидан таъкидланди.

Тадбиркорлик субъектларининг банклардан кредит олиш мақсадларини ўрганиш натижаларига қўра, янги иш ўринлари яратиш, замонавий технологияларга асосланган ускуналар ўрнатиш, мавжуд бино ва иншоотларни талаблар даражасида реконструкция қилиш, янги қурилиш қириш, қорхоналарни замонавий технологиялар асосида модернизациялаш каби йўналишлар устувор экани маълум бўлди.

Респондентларнинг билдирган ушбу фикрлари кредит олиш бўйича банкларга тақдим этилаётган лойihalарнинг ҳозирги кун талабларига тўла мос келишини кўрсатди.

Сўров иштирокчилари томонидан келгусида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланиши учун тижорат банклари ва уларнинг филиалларида тадбиркорларга амалий йўл-йўриқ бериш ишлари янада қучайтириш, кредит ажратиш жараёнида кредит таъминоти ва бошқа масалаларни ечишда яқиндан ёрдам кўрсатишни кенгайтириш, жойларда ўтказиладиган амалий урчушлар самарадорлигини ошириш ва бошқа қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги бўйича тақлифлар айтилди.

Мазкур сўров натижалари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос ислохотларнинг изчил амалга оширилаётгани натижасида бугун мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилганини тасдиқлади.

"Ижтимоий фикр" маркази
материаллари асосида
ЎЗА муҳбири Х.БЕРДИЕВ
тайёрлади.

ФИЛЬМ ЁШЛАР МУҲОКАМАСИДА

Ўқувчи-ёшларга мустақиллигимизнинг моҳияти, миллий қадриятларимизнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида тушунарлар бериш мақсадида таълим муассасаларида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай амалий тадбирлардан бири Олмазор тумани халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташаббуси билан ташкил этилди. Ҳаёт тумандаги мактабларнинг 8—9-синф ўқувчилари Алишер Навоий номиди кино саройида "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида ёхуд шўроларнинг сўнгги талаваси" номли фильмини томоша қилдилар. Шундан сўнг ўқитувчилар ва ўқувчилар фильм воқеалари хусусида ўзаро фикр алмашишди.

Муҳокама жараёнида Олмазор тумани халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими муди-

ри Мухайё Фанихўжаева Юртбошимиз раҳнамолигида юртимизда ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмонан баркамол воёга етиши учун олиб борилаётган эзгу ишларга ҳамоҳанг тарзда пухта билим эғаллаб, юртининг обрў-эътиборини дунё майдонларида муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчи эканлигини таъкидлаб ўтди.

Фикр-мулоҳазалардан сўнг, ўқувчилар фильмдан олган таассуротларини расмлар ва иншооларда акс эттирдилар.

Мухайям ЭРКАБОВЕВА,
Олмазор туманидаги
119-мактабнинг
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси



МАКТАБДА ИССИҚХОНА

Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 2-умумтаълим мактабида ўтган йили мўъжазгина иссиқхонадан бир ярим миллион сўм даромад олинган эди. Мактаб жамоаси жорий йилда қўшимча иккинчи иссиқхонани ишга туширди. Ҳозирги кунда биринчи иссиқхонада помидор қўчатлари парвариш қилинмоқда. Янги иссиқхонада эса лимон етиштириш мўлжалланмоқда. Шу тариқа мактабда ҳам ҳар қарчирдан унумли фойдаланилмоқда, ҳам ўқувчиларнинг олган билими амалиётда синовдан ўтмоқда.

Суратда: Тошлоқ туманидаги 2-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Мухлиса Абдуллаева иссиқхонада.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)
олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқимиз байрамларни яхши кўради. Айниқса, Наврўз сайллари курашсиз ўтмайди. Шунинг учун бўлса керак, ёши улуг инсонлар кураш билан боғлиқ кўплаб хотираларни эслайди. Бинобарин, бу дийрда бир вақтлар кураш деган сўз спорт билан тенгма-тенг бўлган, десак сира ҳам муболага бўлмайди.

Шарқона одоб-ахлоқ меъёрларини санъат даражасига кўтарган аждодларимиз кураш-га шунчаки жисмоний ҳаракатлар мажмуи ёки голиб ва мағлуб аниқланадиган беллашув сифатида эмас, балки ўзбекона орият, бағрикенглик, олижаноблик, мардлик фазилатлари жамулжам ҳалол ўйин деб қарашган. Буни исботлаш учун курашда амал қилинадиган "ҳалол" ва "ғиром" каби атамаларни эслатиш кифоя, назаримизда.

Гиламга чиққан полвон рақибга нисбатан ғиромлик ишлатиб, тарбиясизликка йўл қўйишдан ор қилган. Унга ишонган қўллаб-қувватловчилар, оила аъзолари ва маҳалладошлари шаънини ҳар қандай совриндан устун қўя билган. Шу боис кураш пайтида ўз кучи ва ақлига таянган ҳолда рақибни қаққонлик ҳамда вазиятни тўғри баҳолаш салоҳияти эвазига ҳалол енгилшга одатланган. Мол-дунё кўзини қамаштирган полвонлар эса ўз-ўзидан мағлуб бўлишган, тезда халқнинг ҳам назаридан қолишган. Чинакам полвон учун эл назари, олқиши энг улкан соврин бўлган.

Махшур полвон, мутафаккир шоир Пахлавон Махмуд ҳақида, унинг мард ва олижаноблиги, жасорати, ватанпарварлиги тўғрисида ривоятлар кўп. Айтилишича, у Ҳиндистонда саёҳатда бўлган кезлари минглаб томошабин нигоҳи қаршида курашга ҳам тушган. Ҳатто у ердаги энг кучли курашчининг курагини ерга теккизиб, шохнинг меҳрини қозонган хусусида ҳам маълумотлар бор. Ҳиндлар султони Пахлавон Махмудга бир тилак айтишини ва у бекаму кўст бажарилишини билдирганда, кўпчилик баҳодир бобомизнинг молу дунё ёки бошқа моддий билим сўрашини кутгандир, эҳтимол. Аммо улуг аждодимиз неча йиллардан буён ўз ватанидан йироқда сарсон бўлиб, асирликда азоб қаётган юртдошларининг оқоз этилишини сўрайди. Бундай истакни кутмаган шох аяда таажжубга тушиб, ўзбек полвонига чандон қойил қолади ва сарбозларига унинг тилагини рўёбга оширишларини буюради. Шу тариқа бир хуш хулқли, батарбия полвон саяёҳаракати тўғрисида йўзлаб асирлар эркинликка чиққани ва ўз юртига тўю тантана билан қузатиб қўйилган ханузгача тиллардан тилларга қўчиб юради...

Самбо бўйича қатор турнирлар голиб ва совриндори бўлган иқтидорли ёшларимиздан бири Шохрух Қўчқоровнинг одоби ва камтарлигига қўпчилик тенгдошлари ҳам ҳавас қилишди. У беллашуларда зафар қўчиб, биринчи ўринни забт этганида барчанинг олдида мағлуб бўлиб боши эгилган рақиб қаршида ғалабасини нишонламас экан, деган сўзлар қўлогимга чалинганди. Кейинчалик шу ҳақда ёш полвоннинг онаси — журналист Дилфуза Шомалиқовадан эшитдим.

Она ўғлининг таажжубли одатидан хабар топиб, қўнлардан бир куни: "Шохрух, нима учун гилам устида ғалабаларингни нишонламайсан? Ахир, бунга ўз кучинг, тинимсиз меҳнатинг билан эришсан-ку?!", деб сўрабди. У онасига меҳр тўла кўзлари билан қараб: "Мана, ўзингиз айтганингиздек, ҳамма оналар ўз боласини шоду хуррам қўришни истайди. Мен финалда енгиб, чемпионлик орzusини пучга чиқарган рақибимнинг ҳам онаси бор-ку, ахир. Оналарнинг кўнгли чўкишини истайман!", дебди.

Қисқаси, спорт кишига инсонпарварликни, одамгарчиликни ўргатади. Йўқилиб, мадад қўтиб ётган кимсага қўл чўзиб, тиргак бўлишга қўлайди. Бинобарин, қалбида ўз халқига меҳри бўлмаган, ҳаё-

бекорчи ишларга вақти бўлмайди. Аксинча, саломатлиги ҳам мустаҳкамланади", деб хотиржамликка берилди. Лекин боласининг ўзи спорт тўғрисида қандай мақсад билан бораётганини, у ерда унга нима қилиш кераклигини ва атрофидаги дўстлари ким экани ота-оналарга қоронғу бўлади.

Оилавий тотузлиқнинг қалити — оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида, бир-бирини яхши билишида. Ота спорт ва жисмоний тарбия орқали боласини тўғри тарбиялаш, саломатлигини муҳофаза қилиши учун унинг қўндалик ҳаётини яхши билиши зарур. Ўғлининг спорт билан шуғулланиш давомида гавада тузилиши, фикрлашда қузатилаётган ўзгаришларни таҳлил қилиши фойдадан холи эмас.

тиб-қондага амал қилишга қўлайди.

Адҳам ОЧИЛОВ, эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси:

— Таққиланган моддалар истеъмол қилишга қарши қаратилган мазкур ҳужжатда спортчиларнинг, энг аввало, ўз соғлигини сақлашга бўлган интилиши билан бирга уларнинг этика, ҳаққонийлик, виждонлилик, рақибга ҳамда ҳакамларга ҳурмат, ўз кучига ишонч сифатлари ҳам улғу-ланган, тарғиб қилинган. Бу фикрлар спорт оламига энди кириб келаётган навқирон авлод вакиллари ҳам сабоқ, албатта.

Спорт ҳалолликни ёқтиради. Шунинг тарғиботи ва назорати билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар саяё-

Dolzarb mavzu



мана шу тарбияли болаларнинг жуда катта қисми ё мусика курсларига ёки спорт клубларига мунтазам қатнашар экан!

Латвияда ўтказилган "Болаларимиз тарбиясидаги асосий муаммони айтинг" деб номланган ижтимоий сўровномада ушбу огрикли масаланинг бош сабаби оила (20,8 фоиз) ва кўча (маҳалла)даги (22,1 фоиз) муносабатга боғлиқлиги аён бўлган. Эътиборлиси, болаларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, эрка қилиб ўстириш ва спорт (чиниктирувчи топшириқлар) билан шуғулланишини назорат қилмаслик омилларида алоҳида ургу берилган. Айнан мана шундай масалалар ҳал этилмагани туфайли сўровномада латвиялик болалардаги нотўғри овқatlanish кўрсаткичи 3,4 фоиз, меҳр ва эътиборнинг камлиги 14,1 фоиз, қонқарсиз таълим 12,1 фоиз, қаттиққўллик 2,7 фоизни ташкил этган.

Болалигида жуда шўх ва безори бўлганларнинг ёки азбаройи тортинчоқлигидан истакларини амалга оширишга ийманувчиларнинг спорт билан шуғулланган, бутунлай ўзгарганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, буюк футболчи Зайниддин Зидан ҳам болалигида жуда уятчан, камсукум бўлган экан. Тенгқурлари кўчадаги овлоқ-қина майдонда тўп тепишса, бир четда ўтириб, уларнинг хатти-ҳаракатларини жимгина томоша қилар экан. Қўнлардан бирида уни бир боланинг ўрнига шунчаки ўйнаб туришга тақлиф этилади. Бироқ тортинчоқлиги ва ўйинга киришиб кетолмагани туфайли кўп хато қилади ва уни футбол майдончасидан чиқариб юбортди. Шунда у муштарини қаттиқ тугиб, майдонга қайта отилиб тушади ҳамда рақиб жамоанинг энг яхши ўйинчиси-дан тўпни олиб қўйиб, гол уради! Буни қарангки, орадан йиллар ўтиб, Зиданни бутун дунё таниди, унинг қашф этилишига сабабчи бўлган болаларни эса Зидандан бошқа ҳеч ким билмайди...

Хуллас, спорт — тарбияловчи қудрат. Тарбия башариёт учун хатто ядро полигонларидаги қўндан ҳам муҳим. У инсоннинг хулқ-атвори, юриштириш, одамларга илқ муносабати, меҳр-оқибати, ширинзабонлиги, чидамлиги шаклланиши, бир сўз билан айтганда, болаларнинг ижобий томонга ўзгаришида катта ўрин тутайди. Спорт инсонда чинакам мардлик характери ни тарбиялайди.

Ўртбошимизнинг давр талабига мос тарзда айтилган қўнлидаги чўкур мазмунга эга мулоҳазасини доим ёдда тутиш лозим: "Спорт ёш авлод маънавий камолотининг ҳам гаровидир. У орқали жамоага ҳурмат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бир-бирининг ютуғидан қувониш орқали ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамжихатлик сингари инсоний фазилатлар айна болалиқда, спорт воситасида осон шаклланиши мумкинлигини ҳеч ким инкор қила олмайд. Болаларга инсонпарварлик, халқпарварлик ҳақида узундан-узқ маъруза ўқигандан кўра бу юксак тўғулари жисмоний тарбия ва спорт орқали уларнинг қалбига сингдириш кўпроқ наф келтиради".

Зохиджон ХОЛОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ, СПОРТ

**инсонни баркамолликка элтувчи
муштарак уч йўл**

лини шону шуҳрат ва бойли-гу унвон банд этган спортчи қанчалар муваффақиятга эриш-масин, уларнинг барчаси ас-лида бир сўз билан "мағлуби-ят" деб аталади. Унинг «ша-кат»-и чинакам мардлик орқ-али қозонилган ҳурмат олдида ўз қийматини йўқотади...

Спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш мусобақаларда юксак натижа-ларни қўлга киришиб, эл-юрт иззат-икромига сазовор бўлиш, ном қозониш воситаси бўлиш билан бирга, саломат-ликини мустаҳкамлашда ҳам алоҳида ўрин эгаллаши бугун ҳеч биримизга сир эмас. Ўз соғлигини қадрлаган инсон ҳар бир ҳаракатини вақт ва куч тарозисидан ўлчаб амалга оши-ришга одатланади гўё. Тўғри овқatlanishi рационига қатъий амал қилишга, одамлар билан ўзаро муносабатларда меъёр-ни сақлашга интилади.

Болалар кўпинча турли жангари фильмлари томоша қилиб, урушқоқ қаҳрамонлар иштирокидаги олишув лавҳа-ларига махлӣ бўлишади. Сўнгра каратэ, таэквондо ёки айқидо сингари яккакураш бўйича ташкил этилган спорт тўғарақлари ёки секцияларга қатнашишга ошиқади. Бу иж-обий ҳолат, албатта. Аммо маса-ланинг бошқа томони ҳам бор!

Мана шу боқичда мураб-бийлардан ва ота-онадан фар-зандига нисбатан жуда эҳтиёт-корлик билан муносабатда бўлиш, уни қузатиш талаб эти-лади. Энг аввало, болаларнинг онгидан улар учун енгилмас ва ҳаммадан зўр бўлиб турган ўша "идеал қаҳрамон"ларга нисбатан холис муносабатни шакллантириш керак. Спорт кимгадир куч ишлатиб, унга тан жароҳати етказадиган ёки ўзаро ашаддий душманга ай-лантирадиган "зўравонлик" тарғиботи эмас, аксинча, дўст-ликини, жамоавийликни улуг-лайдиган инсонпарвар ҳаракат эканини болаларга содда қилиб тушунтириш лозим.

Ота-оналарнинг айримлари: "Спорт билан доимий шуғул-ланса бўлгани, фарзандимнинг

Айрим ўсмирлар тезроқ ка-молга етиб, мушаклари бир-дан куч-қувватга тўлиб, қадду қомадини кўчаларда кўз-кўз қилиб юришни иштадади. Бу-нинг учун оч-наҳор бўлса-да, кимёвий препаратлар ва сало-матлик учун жиддий ҳавф ту-дирувчи воситаларни сотиб олиб, тана аъзолари учун фойдаланади. Унинг қадду қома-ти сунъий гўзал бўлиши мумкин, аммо натижада, ошқ-озон, жигар, буйрак сингари ўта муҳим ички организмлари зўриқади.

Мутахассисларнинг таъкид-лашича, юқоридagi ўта таъ-сирчан кимёвий воситалардан фойдаланган, қувват ва вита-минларга бой овқатлардан тўйиб истеъмол қилиш талаб этилади. Аммо препаратга базўр пул топган ўзбошимча ўсмир фақат уйига келибгина тузуқроқ овқatlanishi мум-кин. Шу тариқа ўз вақтида на-зоратга олинмаган бола ҳаё-лий орзуларга берилиб, бирор жиддий касалликка йўлиқади ва оиласига ҳам ташвиш ту-диради...

Мактабда ўқитувчи, спорт тўғрагида мураббий, уйда ота боласига спорт билан аниқ мақсад йўлида тўғри шуғул-ла-ниш лозимлигини ўқитирса, нур устига нурдир. Халқаро майдонларда сўнгги йилларда кўп қузатётганимиз — айрим таникли профессионал спорт-чилар допинг ёки гийҳханд модда истеъмол қилгани фош этилиб, бутун дунёга шарман-да бўлмоқда, чемпионлик ун-вонидан, олтин медаллардан маҳрум бўляпти.

Ўзини ҳурмат қилмай, хал-қаро ҳуқуқий меъёрларни буз-ган спортчилар замонавий те-хнология воситалари ёрдамида зумда фош этилиб, Жаҳон до-пингга қарши курашиш аген-т-лиги томонидан бир неча йилга спорт оламида диск-валификация қилиняпти. Эъти-борлиси шундаки, 2003 йил-да қабул қилиниб, 2004 йил-да кучга киритилган Жаҳон допингга қарши курашиш ко-дексида белгилаб қўйилган ҳар бир банд спортчини тўғри йўлдан боришга, тар-

ҳаракатлари туфайли ҳам спортчиларимиз меҳнати, иқтидори рўёбга чиқмоқда. Хусусан, жорий йилда Лондон шаҳрида ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўл-ланма олган эркин курашчилар-имиз — Ихтиёр Наврўзов ва Рашид Қурбонов ҳаётида ҳам бундай адолатпарвар ташки-лотларнинг ўрни сезилади...

Ўртимизда бу борада сал-моқли ишлар амалга оширил-ган. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тузилган махсус гуруҳ республикамиз-нинг турли ҳудудларида ил-мий сафарда бўлиб, спорт тур-ларининг инсон саломатлиги-га, унинг характери, онгу та-факкури шаклланишига таъ-сир даражаларини тадқиқ этимоқда.

Албатта, бу жарённинг илк хулосалари аллақачон чиқ-қарилган, яъни спортнинг, чин-дан ҳам, таълим-тарбия билан узвий боғлиқ экани, уларни бир-биридан айро ҳолда та-саввур қилиб бўлмаслиги ўз тасдиғини топган. Тарбия — масъулият. Масъулиятни чўкур ҳис этиш учун спортчида чи-дам, ирода шаклланиши ке-рак. Ирода эса кучли руҳий тайёргарлик билан чиниктири-лади. Демак, спорт инсоннинг танаси каби руҳини ҳам тар-биялайди.

Спорт — тарбиячи. Унинг бу хусусиятини тарбияси оғир ҳамда ўзини доимий равишда четга тортиб, эътибордан қолиб юрадиган болаларни фаол ҳаётга олиб киришда, дунёқарашини ўзгартиришда, ўз имкониятлари ва салоҳия-тига ишонтиришда аққол қўриш мумкин.

Мутахассислар турли тадқи-қотлар орқали Европа бўйича энг тарбияси оғир, безори бо-лар Лондон шаҳрида истиқо-мат қилишини аниқлашган. Бу Англия пойтахтидаги барча бола тарбиясиз дегани эмас. Тадқиқотчилар у ердаги кўплаб хушхулқли, бамаъни, зийрак болаларни топиб, ақсарияти-нинг характери, қизиқишлари, оилавий муҳити билан ақиндан танишган. Маълум бўлишича,



◆ Наманган шаҳар Бобур номидаги маданият ва истирохат боғида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда бошқа бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ярмаркада бир юз ўттиздан зиёд корхона, ташкилот ва муассасалар 810 бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

— Ярмаркада фуқароларни ишга жойлаштириш билан бирга, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касбга, касб-хунар коллежлари битирувчиларини олий ўқув юртига йўналтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директорининг ўринбосари Насимбой Асқаров. — Бу ерда ўқувчи-ёшлар кўргазмалари воситалар, бевосита мулоқотлар орқали олий ўқув юрти, коллежлар фаолияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди.

Меҳнат ярмаркасида 545 талабгор ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Уларнинг 356 нафари ёш мутахассислардир.

◆ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида таълим муассасаларида талаба-ўқувчиларни ёт гоғлардан ҳимоялашнинг самарали услубларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда пойтахтимиздаги ва Тошкент вилоятидаги олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиқлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорларининг ўринбосарлари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари иштирок этди.

Семинарда ўқув масканларида маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали услубларини жорий этиш ва ёшларни миллий мафкурамиз, маънавиятимиз, умрбоқий қадриятларимизга зид гоғлардан ишончли тарзда ҳимоялаш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш ҳақида фикр алмашилди.

◆ "SOS — Ўзбекистон Болалар маҳалласи" уюшмасининг пойтахтимиздаги филиалида "Оила мустаҳкамлиги ва фарзандлар қамоли" мавзусидаги навбатдаги лойиҳасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик ва институционал ривожланиш дастури (IBPP) доирасида Европа иттифоқи томонидан молияланаётган ушбу лойиҳа ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳамда болаларнинг ижтимоий-иқтисодий макрими ошириш, шунингдек, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатадиган давлат ва нодавлат ташкилотлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган.

Мазкур лойиҳанинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, лойиҳанинг бошқа ҳамкорлари қатнашди.

Шунингдек, лойиҳа доирасида "SOS — Ўзбекистон Болалар маҳалласи" уюшмасининг Тошкентдаги филиалида ахборот-ресурс марказини ташкил этиш режалаштирилган. Унда оилаларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатилади. Лойиҳа синаб кўрилатган маҳаллаларнинг бирида оилаларга маслаҳатлар берилади, улар ишга жойлашиш масаласи бўйича ўз билимини оширади.

◆ Сергели туманидаги 322-мактабда бўлиб ўтган «Қим бўлсан экан?» мавзусидаги байрамона тадбир ўқувчиларни турли касб-хунар сирлари билан яқиндан таништирди.

Тадбир аввалида мактабнинг 5-синф ўқувчилари фанлар бўйича беллашувда ўз билимларини синовдан ўтказишган бўлса, кечанинг кейинги қисми болалар ижро этган сахна кўрсаткичлари бағишланди. Шу орқали улар томошабинларни ҳам ошпаз, рассом, чевар, гулчи, боғбон, ўт ўчирувчи ва посбон каби ранг-баранг касблар оламига етаклагандек бўлишди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

ТАНҚИДИЙ МУНОСАБАТ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Яқинда «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолиятини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

Seminar

Халқ таълими вазирлигининг «Баркамол авлод» болалар марказларига амалий-усlubий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги 54-сонли буйруғи асосида республика «Баркамол авлод» болалар маркази ходимларидан иборат ишчи гуруҳи шакллантирилиб, дастлаб Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида жойлашган ана шундай мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолияти ўрганилди. Ушбу марказларнинг масъул хо-

димлари тақлиф этилган семинарда таҳлил натижалари муҳокама қилинди.

— Бугунги кунда Тошкент вилоятида 19та, пойтахтимизда эса 12та «Баркамол авлод» болалар маркази фаолият юритади. 500дан ортиқ турли йўналишдаги тўғрақларда 11 мингдан зиёд ўғил-қиз тарбияланмоқда, — дейди Бадий ижодиёт йўналишидаги республика «Баркамол авлод» болалар маркази директори Зо-

кир Товбоев. — Бадий ижодиёт, техник ижодкорлик, ўлкашунослик ва экология йўналишидаги тўғрақлар тарбияланувчилари республика ва халқаро кўрик-танловларда макташга арзигулик натижаларни қўлга киритишган. Ўрганиш жараёнида муассасалар фаолиятидаги ютуқлар эътироф этилиши билан бирга, тўғрақлар ишини янада жонлантириш, ўқувчиларни кенгроқ жалб этиш, иқтидорларини рағбатлантириш ва педагог-кадрлар малакасини ошириш билан боғлиқ камчилик ва нуқсонлар қайд этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ

фан ойлигини самарали ўтказишга хизмат қилмоқда

Чироқчи туманидаги 71-умумтаълим мактабида эстетик йўналишдаги фанлар ойлигини сифатли ва самарали ўтказишда замонавий ўқув жиҳозлари, кўргазмалар тасвирлар ва паннолар жуда асқотмоқда.

— Ўқувчиларимизнинг кўпчилиги ижодкор ва қизиқувчан, — дейди мактаб директори Бекмуҳаммад Шодмонов. — Хар бир фан ойлигини ўтказишда биз учун яратилган шарт-шароитдан максимал даражада фойдаланишга интиламиз. Хусусан, ўқитувчи ва ўқувчиларимиз ўзимиздаги бор имкониятларни ишга солиб, эстетик йўналишдаги фанлар ойлиги тадбирларида фойдаланилаётган кўргазмалар кулларини ясади. Ижодий тўғрақ ва қўшимча машғулотларда ўғил болалар дурдогорик, ҳайкалтарошлик ва нақрошлик сирларини ўрганишса, қизларимиз орасталик, пандалик ва чеварликдан сабоқ олишади. Бу борадаги ишларни намунали йўлга қўйишда

ҳам замонавий ўқув жиҳозлари жуда қўл келмоқда.

Юқори Уйшун қишлоғида жойлашган ушбу таълим маскани етти йил муқаддам «Шўртан» газ-кимё мажмуаси ҳомийлигида қуриб битказилиб, давр талабига кўра жиҳозланган эди. Мактаб яқинда Осиё тараққиёт банки грантини ҳам қўлга киритди. Тикув машиналари, мустика маркази, ўнга яқин чолғулар, темир кесиш ускунаси, пайвандлаш аппарати каби янги жиҳозлар таълим самарадорлигини ошириш билан бирга, ўқувчиларни касбга йўналтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ

ЖАСУРЛИККА ЧОРПАЁТГАН «ЖАСУР»

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги санъат саройи, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети маданият саройларида «Жасур» бадийи фильми намойиш этилмоқда.

— Кино ёшлар дунёқарашига тез ва самарали таъсир ўтказувчи санъат тури саналди, — дейди пойтахтимиздаги 1-мактаб раҳбари Озода Ма-

шарипова, — Ўқувчиларимиз фильм намойишидан катта таассуротлар билан чиқишмоқда.

— Фильмни кўрган, чегараларимиз хавфсизлиги, осий-

ишталгимиз ишончли қўлларда эканига яна бир ишонч ҳосил қилдик, — дейди 90-мактаб ўқитувчиси Маллохат Фозилова, — Халқимиз қўлга киритган ютуқларни кўра олмайдиган кучлар бор экан, хар биримиз ватанинг ҳимоячисига айлишимиз талаб қилинади.

Дилфуза МАРДОНОВА

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Самарқанд шаҳридаги Боғишамол саноат касб-хунар коллежида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди.

Шаҳар ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва шаҳар прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда меҳнат бозори эҳтиёжлари инобатга олиниб, ишга жойлаштиришга муҳтож бўлганлар, вояга етмаганлар, касб-хунар коллежи битирувчилари жалб этилди.

Ярмаркада 374 нафар коллеж битирувчилари ва 153 нафар фуқаро қатнашди. 34 та фуқаро ишга жойлашиш йўлланмасига эга бўлишди. 53 нафари эса ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маслаҳатлар олишди.

ХАЛҚАРО МАСТЕР-КЛАСС

машғулотлар хорижлик мутахассислар эътирофига сазовор бўлмоқда

Самарқанд шаҳридаги 1-болалар музика ва санъат мактабида Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан «Устоз сабоқлари» ўқув машғулотли ташкил этилди.

Машғулотда АҚШнинг Питсбург симфоник оркестри ижрочиси, профессор Михаил Истомин ҳамда Италия консерваторияси профессори Мария Танзинини хоним иштирок этиб, санъат мактаби ўқувчиларига музика сирлари, Европа чолғу асбоблари ижрочилик маҳоратидан сабоқ бердилар.

— Ўзбекистонда ёш авлодни музика ва санъатга ошно этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугун ҳатто ривожланган мамлакатлар мутахассисларининг ҳам ҳавасини келтирмоқда, — дейди М.Истомин. — Мастер-класс машғулотларини олиб бора эканман, ўзбек ёшларининг виолончел, скрипка, фортепиано каби музика асбобларини маҳорат билан чалаётгани ва улар ёрдамида жаҳон музикаси дурдоналаридан намуналар ижро этишини кўриб, ҳайратда қолдим. Бу, албатта, ҳукуматимиз томонидан ёш авлоднинг истеъдодини юксалтириш, хусусан, болалар музика ва санъат мактаблари фаолиятини кучайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган эътибор ва ғамжўрлик самарасидир.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕПТИРИЛДИ

Андижон саноат ва транспорт касб-хунар коллежида «Сув, газ таъминоти ҳамда канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш» йўналиши бўйича замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари келтирилди.

Yangilik

Лойиҳа «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» дастури доирасида Германия тараққиёт банкнинг имтиёзли кредити ҳисобига амалга оширилди.

Лойиҳага кўра коллежда «Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи» йўналиши очилди. Эндиликда бу ерда сантехника ишлари устаси, электр газ пайвандчиси, газ ва сув

истеъмоли назоратчиси ҳамда газ, сув ҳисоблагичларини ишлатиш ва таъмирлаш устаси ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, дастур доирасида Ўзбекистон ва Германияда фаолият кўрсатаётган мазкур соҳадаги ўқув муассасалари мутахассислари ўрта-сид тажриба алмашув жараёнларини ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган.

О.СИДДИКОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хаётий мўлжал нима?

Хаётий мўлжал — ёшларнинг нафақат бугуни, балки келажги билан ҳам боғлиқ мақсадлари, орзу-интилишлари, улар учун қадрли бўлиб бораётган тушунча ва ғояларидир. Ана шу мўлжалларга қараб навқирон авлоднинг маънавий дунёсини, хоҳиш-истакларини — хаётий фалсафасини баҳолаш мумкин бўлади.

Ёшларнинг хаётий фалсафаси ва мўлжалларида миллий қадриятларга муносабат қандайлиги жуда муҳим. Бугун асрий урф-одатларимизни қадрлайдиган, аъёнларга ўз хаётий мўлжалида муҳим унсур сифатида қараб, муносабат билдирадиган фарзандларимиз кўп. Лекин хаёти ва истиқболда миллий қадриятларимизнинг ўрнини бироз тўғри тушунмайдиган ёки ўзини ундан холи ҳолда кўриб, маданиятимизга эътиборсизроқ бўлган ёшлар ҳам учраётганини инкор этолмаймиз.

маслик ёки қонунга риоя этмаслик, адолатсизликка йўл қўйиш, қадриятларга ижтимоий тараққиётга халақит берувчи омил сифатида қараш сингари ҳолатларнинг кучайиб кетишига олиб келади. Қадриятлар ва ахлоқий меъёрларнинг иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва ролини бузиб талқин этиш, иқтисодни халқ фаровонлигини таъминлаш, инсонларга хизмат қилиш воситаси эмас, мақсад деб билишдек бир салбий кайфиятни шакллантирди. Миллий-маданий мерос, урф-одат ва аъёнлар, ахлоқий меъёрлар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусияти эканини тўғри тушунмаслик ҳолатлари кузатилади. Аслида, маънавият одамлар фаолиятида иқтисод билан уйғунлашиб кетиши керак. Одамлар бир-бирларига нисбатан ишонч билан қараш, ўз ютуғини бошқаларнинг ҳам ютуғи билан тенг кўриши зарур. Ҳалоллик, поклик, тўғрилиқни қадрлаш, ёлгончилик, ишонсизлик, адолатсизликка эса қарши туриш муҳим. Одамларда миллий-маданий мерос ва

Ёшлар ҳаётда нимани устувор қўймоқда?

Бугунги ёшлар ҳаётга қандай қарайди ва муносабатда бўлади, улар онгу тафаккурида қанақа ўзгаришлар юз бермоқда, нимани кўпроқ қадрлаб, қай мақсад йўлида интилаяпти, уларни бирлаштириб турган муштарак мақсадлар нима-лардан иборат? Шу каби саволларга жавоб топиш демократик ислохотларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, ижтимоий мавқега эга бўлиши, аввало, илк хаётий мўлжалларига боғлиқ. Ammo хаётий мўлжалларни белгилаб олиш оson эмас, унга эришиш эса минг чандон қийин. Бунда орзу-хавас, мақсад, хоҳиш-истак, интилиш ва фаолият муштараклиги зарур. Ҳозирги ёшларнинг хаётий мўлжаллари мураккаб глобал ўзгаришлар даврида шаклланаётгани билан характерлидир. Тараққиёт суръатлари, бир томондан, мақсадларга эришиш учун ўзига хос имко-

таълим олиш учун яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишда ҳам тенгдошларидан орқада қолмоқда. Албатта, бунинг табиий-физиологик ва индивидуал хусусиятлар билан боғлиқ жиҳатлари мавжуд. Ҳаммага бир хил талаб қўйиш бироз нотўғри бўлиши мумкин. Му-стакиллик йилларида таълим-тарбия тизими ёшлар билан ўзаро мулоқот тарзида йўл қўйилдики, бунинг дунё эътирофи эътибори. Дунё таърибасида эса масофавий таълим, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш оммалашиб бормоқда. Мамлакатимизда бу йўналишга ҳам эътибор берилгани ҳолда, ўқувчилар ўқитувчи-мураббийларнинг бевосита мулоқотидан ажратиб қўйилмаган. Яъни, ёшларнинг индивидуал хусусиятлари, қизиқиш ва майлларини инобатга олишга алоҳида аҳамият берилди.

Ёшлар хаётий мўлжалларини тўғри белгилаб олиши нафақат ўзларининг, шунингдек, оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалла-қўй... боринги, халқи ва Ватанининг тақ-

ЁШЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ФАЛСАФАСИ ВА МЎЛЖАЛЛАРИ

Ижтимоий ҳаётни жамият томонидан эътироф этилган қадриятларсиз тасаввур қилиш мушкул, уларсиз яшаб бўлмайди. Шу маънода бугун дунёда эришилаётган ютуқларни ҳам қадриятлар уйғунлигида ўрганиш муҳим. Бу айрим хулосалар чиқаришга асос беради.

1. Қадриятга айланган айрим тушунча ва ғоялар табиий, иқтисодий, маънавий эҳтиёж сифатида ижтимоий ҳаёт соҳаларини ўзаро тартибга солишга, ўз-ўзини ташкил этишга хизмат қилади.

2. Жамиятда эътироф этилган, ижтимоий онг даражасида умумлашган ғоя ва тушунчалар халқлар хаётига мўайян сиёсат ёки мафкура таъсирида ҳам киритилиши, уларнинг турмуш тарзи, онг ва тафаккурдан жой олиб, ёшларнинг дунёқарашини, хаётий фалсафасини ва мўлжалларининг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Ёшларнинг қадриятларни қабул қилишида ижтимоий ҳаёт тарзи билан онг-тафаккуридаги эврилишлар ўртасидаги боғлиқлик нисбати муҳим ўринга эга. Бунда ўзгаришлар ҳаёт талабларидан, онг-тафаккурдаги янгиланишлардан орқада қолиб кетса, қадриятларнинг тараққиётга халақит қилувчи омилга айланиши эҳтимоли мавжуд. Узлуқсиз равишда янгиланиб туриш абадий қонуният экан, онг-тафаккурдаги ўзгаришлар қадриятлардан олдин бориши ижобий ҳолдир. Буни қабул қилолмаган одам замондан орқада қолиши шубҳасиз. Худди шунингдек, мазкур масалада мувозанат сақланмаслиги ҳам янада улкан муаммоларни келтириб чиқаради.

Юртимиз мустақилликка эришгач, шахсий мулкка эгалик ҳуқуқининг эътироф этилиши натижасида эски ижтимоий-ахлоқий меъёрларни қайта кўриш зарурияти пайдо бўлди. Ахлоқий меъёр ва қадриятлар билан ижтимоий ва шахсий манфаат муносабатида юзага келган номуносиблик — айрим ёшларнинг ижтимоий масъулиятни тўғри идорак этмаслиги сабаблидир. Бу эса бозор иқтисодини яхлит (индивидуал) тизим сифатида қабул қилиш, бошқа одамлар ҳаётини ҳисобга ол-



қадриятларга, умум эътироф этилган демократик принципларга ёт салбий ҳолатларга нисбатан лоқайдлик, бефарқлик эмас, "ички нафрат", "қабул қилмаслик" туйғуси ижтимоий онг даражасига кўтарилиши лозим. Ҳаёт фалсафаси моҳиятан шундай қурилган, лекин турли-туман сабаблар асл воқеликнинг бузилишига, одамларнинг ўзлигидан бегоналашишига олиб келган. Бугун ана шу ҳолатни қайта тиклаш жараёни амалга ошмоқда.

Европа халқлари моддий фаровонликка эришишни энг олий мақсадга айлантиргани аниқ ҳақиқат. Натижада, "яшаб қолиш фалсафаси" фақат моддий ўлчовлар орқали идорак этилиб, бу ғоя бугун ахборот майдонидан кенг тарғиб қилинаётган бир даврда маънавий қадриятлар тизимини қайта тиклаш ҳар доимидан ҳам долзарб аҳамият касб эта бошлади. Ёшлар онги ва тафаккурини заҳарлаб, уларда миллий қадриятларга нисбатан нафрат туйғусини уйғотишга уриниш, беҳаёлик, ахлоқсизлик, гиёҳвандликни кундалик яшаш тарзи деб ўқитиш авж олган бир вазиятда фарзандларимизнинг хаётий фалсафаси ва мўлжалларини тўғри шакллантириш ниятда муҳим.

ният берса, иккинчи томондан, катта синов ва мушкулотлар ҳам тайёрлаб қўяди. Фарзандларимиз дунёда кечаятган маънавий таҳдидлар, ахборот хуружлари, "оммавий маданият"нинг "жозибдор" кўринишлари билан юзма-юз турибди. Шундай қалтис вазиятда соғлом хаётий мўлжалларидан қалғимаслик, қиёфасизликнинг турмуш тарзига, онг-тафаккурга салбий таъсирига қарши туриш учун маънавий иммунитетга эга бўлиш тақозо этилади. Лекин бу фақат ёшларнинг ўзигагина боғлиқ жараён эмас, балки яхлит ҳолда таълим-тарбия тизими орқали кечади.

Ёшларимизнинг фаол қатлами бугунги ўзгаришларни аниқ тасаввур этади. Айни пайтда, яна шундай қатлам ҳам борки, юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кузатмайди, кўпма қизиқавермайди, демак моҳиятига ҳам етмайди. Ўқишга ҳаваси, хоҳиши юқори эмаслиги боис "уйинқароқлик" устун келади. Эртанги кунга тайёр бўлиш, ўзгаришларни чуқур ҳис этиш, илм-фан ёки бирор касбини чуқурроқ эгаллашга масъулият билан қарамайди. Кўпроқ ана шундай ёшларнинг хаётий мўлжаллари аниқ белгилангани кузатилади. Улар мамлакатимизда

дирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис мазкур масала юзасидан, аввало, оила ва таълим-тарбия тизими, маданий-маънавий муассасалар, адабиёт ва санъат, илм-фан, жисмоний тарбия ва спорт, маҳалла, меҳнат жамоалари, қолаверса, оммавий ахборот воситалари зиммасида улкан масъулият бор. Бугун хаётий мўлжалларини белгилаб олишда хатто йўл қўйган, ёт ва зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолган айрим ёшларнинг қисматидан тўғри хулоса чиқариб олишимиз керак.

Хулоса қилиб айтганда, **биринчидан**, ёшларнинг хаётий фалсафаси ва мўлжалларининг илк ёшиқ давридан тўғри шаклланиши, уларнинг миллий-маданий мерос ҳамда давр ўзгаришлари ва демократик тамойиллар билан мос бўлиши таълим-тарбия соҳасидаги устувор вазифадир.

Иккинчидан, ёшларнинг хаётий фалсафаси, мўлжалларининг тўғри шаклланиши нафақат уларнинг ўзларига, аниқ пайтда, бошқа кўпгина шарт-шароит ва омилларга боғлиқ.

Учинчидан, ёшларнинг хаётий фалсафаси ва мўлжалларини тўғри белгилаб олиши фақат ўзларининг келажиги эмас, аниқ пайтда, мамлакат келажигига ҳам дахлдор масаладир.

Тўртинчидан, хаётий фалсафа ва мўлжаллар эзгу мақсадлар, юксак маънавият, миллатнинг келажиги, орзу-умидлари билан ҳамохан бўлиши ёшларга қанот бағишлайди.

Бешинчидан, ёшлар хаётий фалсафасини, мўлжалларини тўғри белгилаб олишда ёши улуглар, мураббийлар, ҳар бир киши масъул. Бу фуқаролик бурчи ва масъулиятининг ўзагидир.

Олтинчидан, ёшликнинг хаётий фалсафаси ва мўлжаллари мазмун-моҳиятида илм ўрганиш, билим олиш, касб-хунарни эгаллаш мужасамлашади. Шу орқали ёшлар ижтимоий ҳаётда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, мамлакат тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланади.

Ибодулла ЭРГАШЕВ,
сифсий фанлар доктори,
профессор



МОҲИР ПЕДАГОГ САБОҒИ

Педагог ёш авлодга сабоқ берар экан, ўқувчи қалбига йўл топа олиши алоҳида аҳамият касб этади. Юнусобод туманидаги 97-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Гўлчехра Шокирова ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда кластер, синквейн, ақлий ҳужум, инсерт усулларида самарали фойдаланиб, мавзунини болаларга тушунарли етказиб беришга интилади. Муаллима эндигина мактаб остонасида одимлаётган болакайларга билим бериш асосида улар билан дўст тутишиб, мулоқотга киришади. Бу эса ўқувчиларнинг янада қизиқиш ва иштиёқ

билан бошланғич таълим сирларини эгаллашига кўмак беради.

— «Баҳор байрамлари» мавзусида дарс ўтиш жараёнида мультимедиа воситалари асосидаги видеороликлардан ва кўғирчоқлар иштирокидаги сахна кўринишларидан фойдаландим, — дейди у. — Фарзандларимизни болаликдан ақли ва доно қилиб тарбиялаш, улар онгига миллий қадрият ва аъёналаримизни сингдириш асосий мақсадимиздир. Зеро, илк қадамни тўғри босган инсон ҳаётда ўз йўлини топиши шубҳасиз.

Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

ЎҚУВЧИЛАР ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Ёшларимизни миллий ғоя ва ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, турли ёт ғоялар — маънавий таҳдид ва «оммавий маданият» каби иллатлар таъсиридан ҳимоялаш учун таълим муассасаларида тарғибот-ташвиқот ишларини кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширишнинг аҳамияти катта. Ёш авлоднинг замон талаблари даражасида билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, қobiliят ва интилошига кўра иқтидорини намойиш этиши, аввало, таълим муассасаларидаги тарбиявий ишларга боғлиқдир. Наманган вилоят халқ таълими бошқармасида ҳам таълим муассасалари ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Наманган вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят адлия бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими кенгаши, «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими кенгашининг қўшма қарори тасдиқланиб, унда илгари сурилган мақсад-вазифалар таълим муассасаларида амалга оширилмоқда.

— Хабарингиз бор, яқинда Халқ таълими вазирлиги ва қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида «2012—2015 йилларда умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида назорат-сизилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш,

Qaror va ijro

бу борада ўзаро ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»-ги қўшма қарор тасдиқланган эди. Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси ва ҳамкор ташкилотлар билан ушбу ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратаямиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси Х. Абдурахмонов. — Айни кунларда «Оила» маҳалла — мактаб ҳамкорлиги» концепцияси ижросига жойлардаги педагогик жамоалар, фуқаролар йиғинлари ва фаоллар эътибори

янада кучайтирилди. Ички ишлар профилактик назоратида турган ва мактабларнинг ички назоратига олинган вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида отахон ва онахонлар, зиёлилар, ибратли инсонлар ва таниқли шахслар иштирокида жадвал асосида умумий ва яқка тартибда учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг зарари ҳақида тарбиявий тадбирлар уюштирилапти. Тиббиёт ходимлари аниқ миқдорлар асосида ушбу иллатларнинг салбий оқибатларини тушунтирмоқда. Айниқса, мақсадли ташкил этилаётган турли мавзулардаги тадбир ва учрашувлар бу ўринда ижобий самара бермоқда. Мактабга келмаётган, сабабсиз дars қолдираётган ўқувчиларни таълим масканларига қайтаришда «Ўқувчи», «Бозор», «Davomat» каби шартли номланган ҳамкорликдаги рейдлар натижаси тез орада ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Хайрулло
АБДУРАХМОНОВ

Наманган вилояти

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ҳадемай ўқув йили ҳам якунланади. Жойларда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишлаб чиқариш корхоналарига бириктириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Уларнинг иш излаб, «Қаерга борсам экан?», дея сарсон бўлмасликлари учун барча ўқув муассасалари билан корхоналар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уч томонлама шартномалар тузилмоқда.

Мазкур жабҳада амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Шаҳрихон туманида бўлдик. Жорий йилда туманда фаолият кўрсатаётган 10та касб-ҳунар коллежини 4060 нафар ўғил-қиз тамомлайди. Айни паллада катта ҳаётга қадам қўётган ёшлар ишлаб чиқариш амалиётини ўташ билан бирга, ўзларининг бўлажак меҳнат жойлари, уларда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишмоқдалар.

Бу йил қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежиде етти йўналиш бўйича 390 нафар ўқувчи диплом олади. Улар ўз мутахассисликларидан келиб чиқиб, «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси туман филиали, тумандаги бир қатор ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналари, фермер ҳўжалиқлари, умумтаълим мактабларига бириктирилган. Биргина туман «Машина-трактор парки» очик акциядорлик жамиятида 23 нафар ўқувчи амалиёт ўтапти. Ўқув йили якунлагач, улар мазкур жамиятга ишга жойлашади.

— Битирувчиларимизга бу ерда малакали устоз-мураббийлар бириктирилган, — дейди коллеж директори Отабек Ҳабибуллаев. — Амалиётчиларнинг жамият томонидан махсус кийимлар, кунлик иссиқ овқат билан таъминланаётгани уларнинг ўз ишига меҳрини янада оширапти.

Қодиржон Турсунов раҳбарлик қилаётган агросаноат касб-ҳунар коллежи республикадаги «Ўзбекистонда сув ҳўжалиги соҳасида касбий кўникмаларни ривожлантириш» Ўзбекистон — Швейцария лойиҳасига қиритилган 11та ўқув муассасасидан бири ҳисобланади. Шу боис жорий ўқув йилидан бошлаб бу ерда сув ҳўжалиги бўйича мутахассислар тайёрловчи бўлим иш бошлади. Айни пайтда 7 йўналиш бўйича 545 нафар битирувчи таҳсил оляпти. Уларни ишга жойлаштириш юзасидан тумандаги бир қатор хусусий ва қўшма корхоналар, автокорхоналар, ишлаб чиқариш фабрикалари, масъулияти чекланган жамиятлар, умумтаълим мактаблари билан шартномалар тузилган.

Олти йўналиш бўйича 544 нафар ўқувчи «оқ йўл» тилаш арасидада турган енгил саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ҳам анчагина ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Меҳнат бозорининг ҳудудлардаги муайян ихтисосликларга бўлган талабидан келиб чиқиб, энди автомобилларни созлаш ва таъмирлаш йўналиши битирувчиларига «Б» ва «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам берилган бўлди. Ўтган йили давлат бюджети ҳисобидан коллеж ҳуду-

дида қурилиб, фойдаланишга топширилган 62 сотих майдондаги автотролмда бўлажак ҳайдовчиларнинг амалий машғулот ўташлари учун барча қулайликлар яратилган.

Коллежнинг маиший хизмат йўналиши 2010 йили очилган. Муассасага Жанубий Корея гранти асосида келтирилган компьютерлашган жихозлар тўплами ёрдамида битирувчи курс ўқувчилари компьютер, радио, музлаткич, дазмол сингари маиший жихозларни таъмирлашни ўрганишмоқда. Бу эса келажақда туманда сервис хизмати янада жадал ривожланишини кўрсатади.

Ўқув муассасаси ҳамда «Антекс» акциядорлик жамияти қошидаги йигирув ва тўқув фабрикаси ўртасида битирувчи-

ларнинг диплом олди амалиётини ўташлари, уларни

ишга жойлаштириш бўйича йўлга қўйилган доимий ҳамкорлик самарали натижа бермоқда. Айни дамда ҳам бу ерда коллежнинг 120га яқин битирувчиси устоз-шоғирд аънанаси асосида ўз билим ва кўникмаларини шакллантирмоқда. Ўқув йили охирида шу ерда ишлашни хоҳлаганларни корхонага жалб этиш мўлжалланган.

— Ишга жойлашиб, самарали натижага эришиш учун биздан кунт ва лаёқат талаб қилинади, холос, — дейди «Антекс» акциядорлик жамияти механиги, коллежни ўтган йили тамомлаган Ривожиддин Собиров. — Бу ерда мен каби тенгқуларим жуда кўп. Ишчи-хизматчиларга барча шарт-шароитлар яратилиб, тушлик учун бепул иссиқ овқат, ишга келиб-кейтиш учун автобус қатнови йўлга қўйилган.

Яқунланаётган ўқув йилида Шаҳрихон туманидаги барча умумтаълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни тамомлаётган 9-синф ўқувчилари сони 5161 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг касб-ҳунар эгаллаш борасидаги хоҳиш-истакларини аниқлаш мақсадида сўровномалар ўтказилди. Туманда ўқувчиларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги муассасаларга бириктириш бўйича ҳам самарали натижага эришилди.

Бир сўз билан айтганда, турли йўналишлардаги корхоналарнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниб, коллежлардаги ихтисосликлар хилма-хиллигига жиддий эътибор берилётгани сабабли ёшларни касбга йўналтириш, битирувчиларни иш билан таъминлаш юзасидан ижобий ишлар амалга оширилди. Бу жараён бугун ҳам давом этапти.

О. СИДДИҚОВ,
Н. НЎҲОМОНОВ

Яқинда Тошкентдаги Симпозиумлар саройида бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференцияда Юртбошимиз таъкидлаганидек, «олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жажон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир».

рининг ойлик маошига эса 35—45 фоиз устама қўшилади.

Республика Таълим маркази ишлаб чиққан махсус ўқув режага кўра, масалан, математика фани ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳамма синфларида бир ҳафтада 7 соатдан ўқитилади (оддий мактабларда 5 соат). Ўқув йили мобайнида эса ушбу дарс 68 соат кўп ўтилади. Хўш, бу соатларда ўқувчиларда қандай

кенгайтирилиши мумкин. Бу йўналишда ихтисослаштирилган мактабларнинг 5—6-синфлари учун математикадан, 7—9-синфлари учун алгебрадан, 8-синфи учун геометриядан масалалар тўплами, кам нусхада бўлса-да, чоп этилган. Яна иккита дарслик нашрдан чиқиш арафасида.

Ихтисослаштирилган мактабларнинг муаллимлари олий ва биринчи тоғифали бўлиши керак.

чилар таркиби сифат жиҳатдан юқори бўлмоғи даркор.

Ўқувчиларга талаб даражасида таълим-тарбия бериш учун бир қанча ташкилий ишларни мактабнинг ўзи ҳам бажариши мумкин. Масалан, бизда ҳар йили учинчи чорак охирида ўқувчиларнинг илмий-амалий анжуманини ўтказиш аънаанага айланган. Тадбирга Термиздаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернат, Паркентдаги 5, Тошкентдаги 219, 222, 268 ва 300-ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқувчи ҳамда ўқитувчилари қатнашишди. Фарзандларимиз нафақат ўзбек тилида, балки инглиз ва рус тилларида ҳам муайян мавзулар бўйича маъруза қилиб, баҳс-мунозарага киришадилар. Бундай анжуманлар ўқувчиларни фаоллаштирилади, мустақил фикрларини ҳимоя қилиш, жамоа олдида ўзини тута билишга ўргатади. Шу йилги тадбирда бир ўқувчимиз ўз маърузасини «Менинг илмий ишим мавзуси қуйидагича...» деб бошлади. Унинг дадиллигидан келгусида машҳур олим бўлиб етишишга бемаълум умид қилишга бўлади.

Ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилардаги қизиқиш, ҳаракатни «ялт» этган иқтидорга, шу «ялт» этган нурни эса чарогон юлдузга, порлоқ қуёшга айлантира оладиган таълим-тарбия даргоғи бўлмоғи керак! Ана шундагина олдимиздаги мақсадга эришган бўламиз. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, «юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш — ўта муҳим вазифа».

Мирфозил МИРЗААХМЕДОВ,
Республикада хизмат қўрсатган халқ таълими ходими, ТДИУ қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаб математика ўқитувчиси

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Фарзандларимизни баркамол этиб вояга етказишда узлуksиз таълимнинг аҳамияти беқисс. Бу тизимда, айниқса, ихтисослаштирилган мактабларнинг алоҳида ўрни бор. Кўпгина бундай таълим масканлари бугун ота-оналар ишончини қозониб улгурган. Масалан, 6-, 300-, ва ТДИУ қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактабларга пойтахтимизнинг узок ҳудудларидан ҳам қатнаб ўқишади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 173-сонли «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида жумладан, бундай мактабларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

— ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларидан ошадиган чуқур таълим тайёргарлигини таъминлаш;

— ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини намоён этиш ва фаоллаштириш;

— ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

— профессионал таълим дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик ўзлаштириш учун асос яратиш.

Ҳозирги кунда республикада аниқ фанларга (физика, математика, информатика), табиий фанларга (кимё, биология, география), ижтимоий фанларга (ўзбек тили ва адабиёти, тарих...), чет тилларига, спортга, музика ва санъатга ихтисослаштирилган 365та мактаб фаолият юритмоқда. Жумладан, 90га яқин мактабда математика чуқурлаштириб ўқитилади. Бундан ташқари, таълим масканлари таркибида турли фанларга йўналтирилган синфлар ҳам мавжуд.

Низомга кўра, ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳар бир синфида ўқувчилар сони 30 нафардан ошмаслиги керак. Ўқитувчиларнинг ойлик маошига 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. Масалан, ўзим ишлайдиган мактабда қўлига 650—750 минг сўм маош оладиган ҳамкасбларини талайгина. Яна ҳар 2-3 ойда 50—80 минг сўм мукофот пуллари ҳам берилади. Мактаб директори ва ўринбосарла-

кўникма, малакалар шакллантирилади? Тегшли адабиёт, дарслик, муаллимга ёрдам берувчи ўқув материаллари борми? Ўтган тўрт йил мобайнида соҳани ривожлантириш борасида нималар қилинди? Ахир, давлат ёшларга жуда катта умид, муаллимларга ишонч билдириб, ихтисослаштирилган мактабларни ташкил қилди: яхшигина шароит яратилди, катта маош белгиланди. 30 нафар ўқувчиси бор синф ихтисослик фанидан дарсда икки гуруҳга ажратилади, яъни муаллим 15 нафар бола билан шуғулланади. Ихтисослаштирилган мактабда қўшимча соатлар махсус фанни чуқурлаштириш, боланинг билим савияси, дунёқарошини ўстириш учун хизмат қилиши керак. Масалан, тасдиқланган ўқув режага кўра, математикага ихтисослаштирилган мактабларда ортиқча вақт ҳисобидан қизиқарли, мантикий, мураккаброқ масалалар ва олимпиада топшириқлари ечилади. Назарий маълумотларга (мавжуд дарсликка) алоҳида, катта мавзулар қиритилмайди, борлари бироз

Кўпгина бу турдаги таълим масканларида фан номзоди ва фан докторлари, доцент ва профессорлар ишлайди. Хусусан, Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда Термиз давлат университетининг ўқитувчилари ҳам сабоқ беришади. Тошкентдаги 300-ихтисослаштирилган мактабга эса Ўзбекистон Миллий университети домлалари тез-тез тақилиб қилинади. Улар ёрдамида «Кичик академия» ташкил этилган. Мен ишлайётган аниқ фанлар чуқурлаштириб ўргатиладиган мактабда эса 9 нафар фан номзоди, 2 нафар Ўзбекистонда хизмат қўрсатган халқ таълими ходими, 1 нафар профессор фаолият юритади. Иқтисодиёт университети доцент ва профессорлари, олим ва ёзувчилар билан жонли мулоқотлар бўлиб туради. Фикримча, бу борада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Олий ўқув юртларида «Ихтисослаштирилган мактабларда дарс бериш методикаси» махсус курси ўқитилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳа, ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳам педагогик жамоаси, ҳам ўқув-

"КИЧИК АКАДЕМИЯ"НИНГ ЖАЖЖИ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 300-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида физика, математика, биология ва кимё фанлари чуқурлаштириб ўқитилади.

Мазкур мактаб ўқувчилари кўпга кичик илмий изланишларга қўл уриб, брошюра ва митти қўлланмалар чоп этишга муваффақ бўлишмоқда. «Ибн Сино авлодлари» номли тиббиёт йўналишидаги чуқурлаштирилган «кичик академия» фаолияти, айниқса, таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда ўз рамзий белгиси ва низомига эга мазкур «академия»да ўқувчиларнинг илмий иш билан шуғулланишлари учун шарт-шароит етарли. Нодира Тошпўлатова илмий раҳбарлиги ва ўқувчилар Робия Тўрабоева, Азиза Худойберганава муаллифлигида чоп этилган

«Шифобахш ўсимликлар» китобчаси мактаб шароитида фитонцимликлар тайёрлашга бағишланган. «Ўзбекистон «Қизил китоб»ига қиритилган ҳайвонлар», «Царство грибов» қўлланмалари ҳам кўпчиликда қизиқishi уйғотди.

— «Кичик академия» аъзолари ҳар йили турли мавзуларда «илмий изланиш»лар олиб боради, — деди Нодира Тошпўлатова. — Ўз меҳнати натижасини кўриш болалар учун мароқли бўлиши билан бирга, бу келгусидаги ҳаёт йўллариини белгилаб олишларида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Зотан, улларда эркин

фикрлаш, қизиққан йўналишига оид билим ва кўникмаларини синовдан ўтказиш, келгусида эгалламоқчи бўлган касби бўйича илк хулосага келиш имконияти туғилмоқда. Шу боис бугун «академия»миз фаолияти кенгайиб, аъзо бўлишга интилаётган ўқувчилар сони ортиб бораётир.

«Кичик академия»да экологик тарбияга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўқувчилар орасида атроф-муҳит озодлигини сақлаш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, табиий неъматлар, шу жумладан, ичимлик сувини авайлаб-асраш борасида тарғибот-ташвиқот олиб борилади. Деворий газеталар, рефератлар танлови, очик дарслар ўтказиб турилади. Тиббиёт ихтисослаштирилган 9-«Е» синф ўқувчилари орасида «Балли, ҳамширалар!» ва «Бал-

ли, фельдшерлар!» кўрик-танловлари, «Қушлар» байрами ташкил этилди. Ҳайвонот ва ботаника богларига, тиббиёт музейига саёҳатлар уюштирилди.

Бугун мазкур мактаб ўқувчилари «Билимлар синовини» ва фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. Хусусан, «Билимлар беллашуви» кўрик-танловининг шаҳар босқичида тиббиётга ихтисослаштирилган 7-«А» синф ўқувчиси Муниса Гаффарова биология фани бўйича 1-ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди. Биология фанига ихтисослаштирилган 9-«Д» синф ўқувчиси Жалолиддин Нажмиддинов эса ўз йўналиши бўйича шаҳар олимпиадаси ғолиби бўлди.

М. ДАВРОНБЕКОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОНЦЕРНЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ҚЎШМА ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР РАЎБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

2011—2012 ўқув йилида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини битирувчи бакалавр ва магистрларни иш билан таъминлашга қўмаклашишга йўналтирилган «Ёш мутахассислар — 2012» тадбирини шу йилнинг 20—25 апрель кунлари ўтказишини эълон қилади. Унда университетда мукаммал назарий-амалий билимларни эгаллаган, замонавий техника ва технологиялар ёрдамида иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қиладиган юқори малакали ёш мутахассислар билан ўзаро мулоқот қилишингиз мумкин. Ёш мутахассислар Сизнинг ташкилот ва корхоналарингиз ривожига улкан ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

2011—2012 ўқув йилида МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИ БИТИРАЁТГАН ЁШ МУТАХАССИСЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ



БАКАЛАВРИАТУРА

Т/Р	Таълим коди	Таълим йўналишлари номи	Битирувчиларнинг умумий сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вил.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент ш.
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
1	5141500	Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари	25	1	2	0	5	1	2	2	3	0	2	0	1	3	3
2	5210200	Санъатшунослик	26	1	0	0	3	1	2	2	2	1	5	0	1	5	3
3	5220100	Лингвистика (тиллар бўйича)															
3	5220100	Инглиз тили	42	0	0	0	0	0	0	0	1	0	9	0	0	6	26
4	5220100	Немис тили	24	0	0	0	0	5	1	1	0	0	0	1	1	5	10
5	5220100	Француз тили	19	0	0	2	0	1	0	2	1	0	1	0	0	2	10
6	5220100	Рус тили	43	0	0	0	0	0	0	2	0	2	6	0	1	5	27
7	5220100	Хитой тили	19	0	0	0	2	0	0	0	0	2	2	0	0	2	11
8	5220100	Нутқ маданияти ва нотиклик санъати	16	0	0	0	0	1	0	1	1	0	1	0	3	6	3
9	5220108	Ўзбек тили	88	2	4	9	1	4	3	7	8	3	4	0	8	36	5
10	5220200	Тарих	90	0	2	3	2	2	1	5	9	5	7	2	10	18	24
11	5220300	Фалсафа	43	0	2	1	0	1	1	2	8	0	4	1	2	5	16
12	5220800	Археология	15	1	0	0	0	0	2	2	5	0	2	0	0	2	1
13	5310100	Синьцзуншунослик	26	1	2	0	0	2	0	2	0	1	2	4	4	1	7
14	5310200	Психология	58	1	0	0	1	0	1	0	3	5	7	1	1	6	32
15	5310300	Социология	17	0	0	0	1	2	0	2	0	1	3	0	0	4	4
16	5320100	Журналистика	83	1	4	7	2	1	2	3	5	0	4	3	3	12	36
17	5320300	Архившунослик	23	0	2	1	1	0	0	0	2	1	3	0	0	4	9
18	5340100	Иқтисодиёт	108	4	2	2	8	1	6	2	3	2	9	3	6	9	51
19	5340400	Бизнесни бошқариш	22	0	0	0	2	0	1	1	0	3	4	2	0	1	8
20	5380100	Юриспруденция	110	0	1	3	5	2	1	3	9	9	5	3	11	13	45
21	5420100	Биология	75	1	0	6	3	6	2	2	9	2	11	1	3	10	19
22	5420200	Биоинформатика	25	0	0	0	0	0	0	0	6	0	8	0	0	4	7
23	5420300	Биокимё	25	0	0	0	0	0	0	2	2	1	5	0	0	4	11
24	5420500	Генетика	23	1	1	0	1	0	2	2	1	0	4	1	1	0	9
25	5420500	Ихтиология	21	0	0	0	2	2	0	1	3	0	2	0	0	3	8
26	5420600	Биофизика	22	0	0	0	0	0	0	2	1	0	4	0	1	8	6
27	5440100	Физика	48	2	2	5	1	2	2	3	4	0	2	2	8	12	3
28	5440200	Механика	23	2	0	0	1	0	2	0	1	1	4	0	3	3	6
29	5440300	Астрономия	13	0	0	0	0	0	0	0	1	0	1	0	5	2	4
30	5440400	Кимё	62	2	1	6	0	5	0	4	1	2	10	1	4	16	10
31	5440500	География	50	1	1	0	1	1	2	7	6	2	8	0	2	4	15
32	5440600	Гидрометеорология	29	0	0	0	1	0	2	2	4	0	6	0	0	3	11
33	5440700	Геология	28	0	0	4	1	2	0	6	1	0	4	0	0	2	8
34	5441000	Геофизика	23	0	0	4	1	0	0	0	2	0	1	1	0	8	6
35	5441200	Геохимия	21	1	0	1	1	0	0	3	1	1	0	0	0	8	5
36	5441700	Гидрогеология	23	0	0	0	0	0	1	0	3	0	2	1	2	2	12
37	5460100	Математика	59	2	2	6	2	3	2	1	4	0	7	1	5	12	12
38	5480100	Амалий математика ва информатика	50	1	1	3	1	4	2	2	3	0	5	0	7	5	16
39	5521900	Информатика ва ахборот технологиялари	41	1	1	1	0	1	1	3	5	0	7	0	4	2	15
40	5540100	Геодезия ва картография	65	0	9	1	1	1	0	2	6	1	12	5	0	11	16
41	5620100	Агрохимия ва агроупроқшунослик	27	0	0	7	1	0	0	3	0	0	1	0	1	13	1
42	5850200	Экология	24	0	1	0	0	2	0	0	0	1	4	0	1	5	10
		Жами	1674	26	40	72	51	53	41	84	124	46	188	33	99	276	541

МАГИСТРАТУРА

Т/Р	Таълим коди	Таълим мутахассисликлари номи	Битирувчиларнинг умумий сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вил.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент ш.
1	5A141501	Маънавият асослари	8	0	1	0	1	0	0	1	0	1	1	0	3	0	0
2	5A141502	Миллий ғоянинг фалсафий масалалари	12	0	0	0	2	0	1	0	0	0	2	0	2	4	1
3	5A220101	Адабиётшунослик:															
3	5A220101	Рус адабиёти	5	0	0	0	0	0	0	0	1	0	1	0	0	0	3
4	5A220101	Ўзбек адабиёти	9	0	1	1	3	0	1	0	0	0	1	0	0	0	2
5	5A220102	Лингвистика (тиллар бўйича):															
5	5A220102	Туркий тиллар	8	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	7
6	5A220102	Ўзбек тили	9	1	0	3	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	4
7	5A220102	Француз тили	7	0	0	3	0	0	0	1	0	0	0	0	0	1	2
8	5A220102	Инглиз тили	22	1	1	0	0	0	0	1	0	3	0	2	2	1	11
9	5A220102	Немис тили	6	0	0	0	0	0	1	0	0	0	1	1	0	1	2
10	5A220104	Адабий манбашунослик ва матншунослик	6	0	0	0	0	0	0	1	2	0	1	1	1	0	0
11	5A220201	Ўзбекистон тарихи	9	0	0	1	2	0	0	0	0	0	0	2	0	2	2
12	5A220203	Умумий тарих	15	0	1	2	1	0	2	1	1	1	1	1	2	0	2
13	5A220204	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот методлари	7	0	0	0	1	0	0	1	0	0	0	0	0	3	2
14	5A220302	Фалсафа тарихи	8	0	0	1	0	1	0	0	1	0	0	0	0	3	2
15	5A220304	Этика	6	0	0	0	0	0	0	1	0	1	0	0	0	2	2

16	5A220309	Ижтимоий фалсафа	8	0	1	1	2	0	0	0	1	0	0	1	0	0	2	0
17	5A220314	Фан фалсафаси ва методологияси	8	0	1	0	0	0	0	0	1	0	0	1	3	1	1	
18	5A220801	Археология	8	0	1	0	1	0	0	0	0	1	0	0	0	3	2	0
19	5A220802	Этнология, ижтимоий (маданий) антропология	11	0	0	0	0	0	0	1	0	1	2	0	3	4	0	
20	5A310106	Амалий сийбасатунослик	8	0	0	0	0	0	2	1	0	0	2	0	0	0	0	3
21	5A310108	Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот-психологик хавфсизлиги	6	0	0	1	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	2	2
22	5A310201	Умумий психология, психология тарихи	7	0	0	0	0	0	0	0	0	2	0	0	0	0	0	5
23	5A310215	Спорт психокоррекция	7	0	0	1	1	0	0	0	1	0	0	0	0	0	1	3
24	5A310216	Спортчилар тайёрлаш психологияси	11	0	1	1	0	1	0	0	3	0	0	0	0	0	2	3
25	5A310302	Социологик тадқиқот усуллари	8	0	0	3	1	0	0	1	0	0	1	1	0	1	0	
26	5A320101	Журналистика (фаолият турлари)	6	0	0	1	1	0	0	0	0	0	0	0	1	0	3	
27	5A320103	Телевидение ва радиотелекоммуникация	9	0	0	1	1	0	0	1	0	0	0	0	0	1	0	5
28	5A320104	Ноширлик иши ва таҳрир	10	0	0	0	1	1	0	0	0	0	1	0	0	4	3	
29	5A320105	Жамоатчилик билан алоқалар ва реклама	9	0	1	0	0	0	1	0	1	0	1	0	0	1	4	
30	5A320301	Архив иши назарияси ва амалиёти	8	0	0	2	1	0	0	0	2	1	0	0	1	0	1	
31	5A340103	Макроиктисодиёт	11	0	0	0	0	0	0	0	1	0	1	0	0	1	8	
32	5A340105	Минтақавий иқтисодиёт	12	1	1	1	1	0	0	0	0	0	1	0	1	1	6	
33	5A340204	Персонални бошқариш	7	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	6
34	5A340206	Меҳнат ресурсларини бошқариш	6	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0	5
35	5A380102	Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи	10	0	0	0	0	0	0	0	0	1	1	0	1	1	1	5
36	5A380103	Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ	15	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	0	2	0	4	8
37	5A380104	Ҳўжалик ҳуқуқи; ҳўжалик процесси	8	0	1	0	0	0	0	0	0	1	1	1	0	0	0	4
38	5A420105	Одам ва ҳайвонлар физиологияси	6	0	1	1	0	0	0	0	0	0	2	1	1	0	0	
39	5A420106	Микробиология	6	1	0	1	0	0	2	0	0	0	0	0	1	0	1	
40	5A420109	Биоинформатика	6	0	0	0	0	0	2	0	0	0	1	0	0	0	3	
41	5A420110	Биотехнология	7	0	0	0	0	0	0	0	0	0	2	0	0	1	4	
42	5A420112	Паразитология	7	0	0	1	0	0	1	1	1	0	1	0	0	1	1	
43	5A420115	Ихтиология	6	0	0	1	1	0	0	0	2	0	0	0	1	0	1	
44	5A420117	Биофизика	5	0	0	0	0	1	0	0	0	0	1	1	1	0	1	
45	5A420119	Биокимё	6	0	1	1	0	1	1	0	0	0	0	0	0	0	2	
46	5A420120	Молекуляр биология	6	0	0	0	0	0	0	0	0	2	0	0	1	0	3	
47	5A420121	Генетика	6	0	1	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	4	0	
48	5A420121	Геодезия ва картография	8	1	1	0	0	0	0	1	0	0	1	1	1	0	2	
49	5A440101	Назарий физика	4	0	0	0	0	0	1	0	1	0	0	0	1	0	1	
50	5A440103	Ҷрим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси	6	1	0	1	0	0	0	0	0	1	1	0	2	0	0	
51	5A440105	Лазер физикаси	6	0	0	0	0	0	2	0	0	0	2	0	0	1	1	
52	5A440106	Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси	4	0	0	1	0	0	1	0	0	0	0	1	0	1	0	
53	5A440109	Радиофизика	5	0	0	0	0	0	1	0	1	0	0	0	0	2	1	
54	5A440112	Ядровий технологиялар	6	0	0	0	0	0	3	1	0	0	1	1	0	0	0	
55	5A440114	Полимерлар физикаси	7	1	0	0	0	0	0	0	1	0	0	1	0	2	2	
56	5A440202	Деформацияланувчи қаттиқ jisм механикаси	10	0	0	4	0	0	0	0	0	0	0	0	1	3	2	
57	5A440401	Ноорганик кимё	8	1	0	1	0	0	2	1	0	0	1	0	1	0	1	
58	5A440402	Аналитик кимё	7	0	1	0	0	1	0	1	1	0	1	0	0	1	1	
59	5A440403	Органик кимё	7	0	1	2	1	0	0	1	0	0	0	1	0	0	1	
60	5A440404	Физик кимё	8	0	1	0	1	0	0	0	0	1	2	0	3	0	0	
61	5A440407	Юқори молекуляр бирикмалар кимёси	6	0	1	1	0	1	0	0	0	0	1	0	1	0	1	
62	5A440410	Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол бирикмалар кимёси	6	0	0	0	0	0	0	1	1	2	1	0	0	0	1	
63	5A440411	Нефть ва табиий газ кимёси	12	0	0	1	0	1	1	2	0	0	1	1	2	2	1	
64	5A440501	Иқтисодий ва ижтимоий география	7	0	0	0	0	1	0	1	1	0	1	1	1	0	1	
65	5A440601	Метеорология	6	0	0	0	1	0	1	0	0	1	1	0	0	1	1	
66	5A440606	Сув оиборлари ва қўллари гидрометеорологияси	6	0	0	0	0	0	0	1	2	0	2	0	1	0	0	
67	5A440609	Гидрокимё	5	1	0	0	1	0	0	0	0	0	2	0	1	0	0	
68	5A440705	Палеонтология ва стратиграфия	4	0	0	1	0	0	0	0	0	0	1	0	0	1	1	
69	5A440708	Фойдала қазилма конларини қидириш ва геологик суратта олиш	6	0	0	1	0	0	0	0	1	0	1	0	0	2	1	
70	5A441001	Геофизикавий тадқиқот усуллари	4	0	0	1	0	0	0	1	0	0	0	1	0	0	1	
71	5A441004	Фойдала қазилма конларини геофизикавий усуллар ёрдамида қидириш ва разведка қилиш	5	0	0	1	0	0	0	0	0	0	1	1	0	0	2	
72	5A441101	Гидрогеология	3	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0	0	1	1	
73	5A441204	Эксперт минералогия	3	0	0	0	0	1	0	0	0	0	1	0	0	0	1	
74	5A460101	Математик таҳил	7	0	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0	3	2	0	
75	5A460102	Дифференциал тенгламалар	8	1	0	2	0	0	2	0	2	0	0	0	0	1	0	
76	5A460103	Геометрия ва топология	7	0	0	0	1	0	1	1	0	1	0	0	0	2	1	
77	5A460104	Эҳтимолилик назарияси ва математик статистика	8	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	3	4	
78	5A460105	Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси	7	0	0	0	1	0	1	0	0	0	2	0	0	1	2	
79	5A480101	Ҳисоблаш математикаси	8	0	0	1	0	0	1	0	1	0	0	0	1	3	1	
80	5A480103	Амалий математика ва ахборот технологиялари	10	1	0	1	0	0	2	0	1	0	2	0	0	1	2	
81	5A480104	Математик моделлаштириш, сонли усуллар ва дастурлар маҳмуаси	6	0	0	3	0	0	1	0	0	0	0	0	1	1	0	
82	5A480107	Математик физика	6	1	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	3	1	
83	5A521904	Компьютер тизимлари ва тармоқларнинг дастурий таъминоти	9	0	0	0	0	0	0	0	2	0	0	1	0	2	0	4
84	5A540101	Амалий геодезия	8	0	0	0	0	0	0	0	1	0	2	2	0	1	2	
85	5A620101	Агротупроқшунослик	3	0	0	0	0	0	0	0	2	0	1	0	0	0	0	
86	5A620102	Агрокимё	3	0	0	0	0	0	0	0	2	0	0	0	0	1	0	
87	5A320101	Олий журналистика	45	1	2	2	2	0	5	4	3	2	3	2	2	5	12	
		Жами	685	14	21	54	29	11	41	32	42	24	60	27	53	91	186	

Mutaxassis minbari

«Баркамол авлод» болалар марказлари халқ таълими тизимининг таркибий қисми бўлиб, асосий вазифаси ўқувчи-ёшларнинг мактабдан ва синфдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, аجدодларимизнинг неча минг йиллик маданий меросини бугунги кун ютуқлари билан бойитиб, ўсиб келаётган ёш авлодга етказишдан иборат.

Мактабдан ташқари таълимни миллий урф-одатларимиз, кадриятларимиз, ҳудудий ўзига хослик асосида ташкил этиб, ҳозирги замон талаблари даражасида ислоҳ қилиш давр талабига айланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 50-сонли қарориди давлат миқёсидаги вазифалар белгиланган.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган давлат талаблари илмий ва ҳаётий жиҳатдан асосланган бўлиб, «Баркамол авлод» болалар марказларининг таълим-тарбиявий мазмуни ва уни ўлаштириш даражасининг зарурий қўйи чегарасини белгилайди ҳамда баҳолаш мезонларини аниқлаб беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «Маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва подавлат таълим му-

ўрнини чуқур англаши лозим. Устозлар анъанасини давом эттириш, меҳнатсеварлик фазилатлари, ақли ва талбиркор бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш ҳисси болада илк машғулотдан бошлаб шакллана бориши керак.

Тўғаракка олти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар жалб қилинади. Ўқув дастури бир йилга мўлжалланади. Ўқувчи мусаввирлик санъати тарихи, намояндалари ва уларнинг иш услубларини, ишлатиладиган хомашёлар, асбоб-ускуналарни, нақшнинг бошланғич элемент-

қувватлаш, руҳлантириш ва илҳомлантириш муҳим аҳамиятга эгалигини унутманг.

Тўғарак машғулоти бичинчи, иккинчи ва ундан кейинги ўқув йили учун (битта гуруҳда) ҳафтасига икки марта уч соатдан ёки ҳафтасига уч мартаба икки соатдан, жами олти академик соатдан ўйланади. Агар тўғарак болалар боғчаларида ёки 6 ёшлилар гуруҳида ташкил этилган бўлса, машғулотлар регламенти 35 дақиқадан ҳафтасига икки академик соатга мўлжалланиши лозим. Биринчи ўқув йилида фаолият кўрсатаётган тўғаракларнинг ҳар бир гуруҳига камида 10 нафар ўқувчи қабул қилинади. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлишда уларнинг ёши, қизиқишлари, турар-жой манзили ва ўқув муассасаларининг жойлашган ўрни ҳисобга олинади. Иккинчи ва ундан кейинги ўқув йиллари учун 8 нафардан ўқувчи қабул қилиниши мумкин.

Ҳар бир тўғарак аъзоси ўқув йили мобайнида ихтиёрий тарзда бир тўғаракдан бошқа тўғаракка аъзо бўлиб ўтиши, бир вақтнинг ўзига бир нечта тўғаракка қатнашиши мумкин. Машғулотларда маъмуриятнинг рухсати ва тўғарак раҳбарининг розилиги билан ота-оналар ҳам иштирок этишига ҳақли.

**ТЎГАРАК —
БИЛИМГА
ТИРГАК**

Таълим муассасаларида тўғараклар ташкил қилишдан асосий мақсад, ўқувчиларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, қобилиятлари ва интилишларини мақсадли ривожлантириш, назарий билимларни мустақамлаш ва амалда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Таълим муассасаларида ташкил этилган тўғараклар ишини назорат қилиш таълим муассасаси директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари зиммасига юклатилади. Тўғарак раҳбари шу таълим муассасасида меҳнат қилаётган педагог бўлиши лозим. У илмий-педагогик кенгаш қарори асо-

**Bo'sh vaqt —
xush vaqt**

сида фан тўғарagini ташкил этади.

— Мактабимизда 18та фан, 3та спорт ва 3та касб-хунар тўғараги мавжуд, — дейди пойтахтимиздаги 165-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Наргиза Нодирова. — Фан тўғаракларида ўқувчиларнинг дарсларда олган назарий билимлари амалиётда янада мустақамлашса, «Тўқийши ўрганамиз», «Ранглар жилоси», «Моҳир қўллар» тўғарига ёшлар хунармандчилик сирларини ўрганишадди.

Касб-хунар тўғараклари аъзолари ҳар чоракда ўзлари чизган, тиккан ва тўқиган буюмлар кўргазмасини ташкил этади. Бундай тадбирлар ўқувчиларни касб-хунарга мактаб давриданок йўналиштириш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

«Тўқийши ўрганамиз» тўғарининг раҳбари Дилором Абдусатторованинг таъкидлашича, мактаб тўғараклари «Баркамол авлод» болалар марказларидаги тўғараклардан деярли фарқ қилмайди. Мактабда ўзи таниган ва билган ўқитувчиларидан фан ва касб-хунар сирларини пухта ўрганади, билмаганларини сўрашдан тортинмайди.

— Мактабимизда ташкил этилган спорт тўғаракларининг иши ҳам мактовга лойиқ, — деб сўзида давом этади Наргиза Нодирова. — Ўқувчиларимиз шахмат-шашка, волейбол, футбол тўғаракларида иштирок этиб, туман ва шаҳар миқёсидаги мусобақаларда муносиб қатнашиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мактаб тўғараклари ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни турли ёт ғоялар таъсиридан асрашда асосий омиллардан бири бўлаяпти.

Шарифа МАДРАХИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ**давлат талаблари унинг мақсад ва вазифаларини белгилайди**

ассасаларини ташкил этиш» зарурлиги таъкидланган. Таълим сифатини яхшилаш, тузилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини белгилайди.

Бола соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун қалбига ўқишга интилиш ҳиссини ўстириш, онгига касб-хунар ва меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, умуммаданий билимларни, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни, Ватани ва халқига нисбатан садоқатни шакллантириш, атроф-муҳитга меҳр-муҳаббатни тарбиялаш лозим. Шу каби эзгу мақсадларга эришиш йўлида «Баркамол авлод» болалар марказлари таркибига техник ижодкорлик, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология бўйича фаолият кўрсатаётган 10 гуруҳ, 36 номдаги тўғарак учун давлат талаблари ишлаб чиқилганидан соҳа ходимлари яхши хабардор. Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 мартдаги «Мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 69-сонли буйруғига асосан, 2011—2012 ўқув йилидан бошлаб барча «Баркамол авлод» болалар марказларида янги ишлаб чиқилган ўқув дастурури жорий этилди. Давлат талабларида: берилиши шарт бўлган мазмун; талабларнинг энг қўйи зарурий чегараси; талабларнинг бажарилишини баҳолаш кўрсаткичлари ва аниқ топшириқлар тизими акс этган.

Тўғаракларда давлат талабларининг энг зарурий қўйи чегарасини белгиллаб бериш бирламчи шарт ҳисобланади. Тизимдаги ҳар бир талабнинг ўқувчи учун мажбурийлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу эса давлат талабларини ишлаб чиқишда ҳақдан ташқари мураккаблаштирилмаслик ва ўқувчининг ортиқча зўриқтириб юбормаслигини тақозо этади. Масалан, «Баркамол авлод» болалар марказининг «Ёш мусаввир» тўғараги учун мўлжалланган давлат талабларида ўқувчиларни мусаввирлик санъати билан таништириш, уларда Шарқ миниатюрасининг услубини, ранг ва чизиқларни фарқлаш, амалиётта мустақил таътиб этиш кўникмасини шакллантириш ва малака ҳосил қилиш зарурлиги қайд этилади. Бола ўзи ўрганаётган хунарининг жамиятдаги

ларини, бадий безатиладиган буюмлар сифатини, миниатюралар услубини, бир-биридан фарқланадиган рангларини билиши лозим.

Тўғарак аъзолари мусаввирлар иш услубидаги фарқларни фаҳмлаш, хомашё ва асбоб-ускуналардан фойдалана олиш, амалий безак турларини бир-биридан ажрата билиш, бадий безалган буюмларга ишлов бериш ва уларни сифатларга ажрата олиш, одам, гул, дарахт, тоғ, ҳайвон ва бинони қаламда чизиш, рангларда бўйиш, кўп кишидан иборат миниатюра композициясини тузиш, унга ранг бериш, паннога миниатюра ишлаш, қўтичанинг устки қисмини безаш каби кўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак.

Шунингдек, давлат талабларида ҳар бир боланинг ўқув йили давомида ўзи тайёрлаган буюмлардан, чизган ижод намуналаридан кўргазма ташкил этиши ҳам кўрсатилган.

Давлат талабларининг бажарилишини баҳолаш жараёни, ўқув дастурини тўғарак аъзоларининг ўлаштириш даражасини белгиллаш катта аҳамиятга эга. Уларнинг давлат талабларини ўлаштириш самарадорлиги ички назорат шаклида аниқланади. Ички назорат тўғарак раҳбари томонидан ўтказилиб, ҳар чоракда ва ўқув йили якуни асосида бола эгаллаган, кўникма ва малакалар озаки, ёзма, тест сновлари ҳамда амалий иш натижалари асосида аниқланади.

Тўғарак аъзоларининг билим сифатини назорат қилишда мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мувофиқ, тегишли кўникма ва малакалар шаклланиб бордини намоеён бўлади. Ўқувчиларнинг доимий равишда тўғарак машғулотларига тайёргарлик билан келишини таъминлаш зарур. Шундагина уларда ўз-ўзини мунтазам равишда таҳлил қилиш, яқин тартибдаги қизиқиш ва хоҳишларига муносиб равишда тўғарак йўналишларини танлаш имконияти вужудга келади. Тўғарак аъзоларининг тўлақонли билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда юзага келиши мумкин бўлган бўшлиқнинг олдини олиш, вақтида аниқлаш ва босқичма-босқич бартараф этилишини назорат қилиб бориш керак. Болалар учун энг мақбул педагогик, дидактик ва психологик шарт-шароитларни яратиш, доимий қўллаб-

Тўғаракларга ўқувчиларни қабул қилиш май ойидан бошланиб, 10—15 сентябргача давом этади. Ёзги таътилда тўғарак раҳбари боланинг қобилияти ва иқтидорини аниқлаб, тегишли йўналишга тавсия қилади.

Тўғарак йўналишлари хилма-хил бўлгани боис, мураббийлар методик таъминотда унча-мунча қийинчиликларга дуч келишлари табиий. Бадий ижодиёт йўналишида фаолият олиб бораётган Республика «Баркамол авлод» болалар маркази услубчи ва тўғарак раҳбарлари ўз ҳамкасбларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатмоқда. Марказимиз ташкил этилган пайтда 10та тўғарак фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда 42тага етди. Ўқувчилар сони 245 нафардан 740 нафарга ошди. Ёш расомларимиз турли халқаро кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Чехияда бўлиб ўтган 37-халқаро болалар фольклор фестивалида марказнинг «Фольклор» тўғараги аъзолари иштирок этиб, 24та давлат орасида 1-ўринни эгаллашди. Бангкок шаҳрида ўтказилган очик фольклор фестивалида учта олтин, иккита кумуш медаль ўқувчиларимизга насиб этганидан мамнунмиз. Москва шаҳрида ўтказилган фестивалда «Фольклор» тўғараги аъзолари битта олтин, иккита кумуш медаль билан қайтишди.

Мактабдан ташқари таълим Ўзбекистон таълим тизимида жуда катта тармоқ ҳисобланади. Дунёнинг бирорта давлатида бу соҳа биздаги каби аниқ-тиниқ, мақсадли бир тизимга солинган эмас. Айниқса, давлат талабларининг жорий этилиши, бир томондан тўғаракларда олиб борилаётган таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан эса «Баркамол авлод» болалар марказларида фаолият кўрсатаётган педагог ходимлар ва тўғарак раҳбарларини ўз устид мунтазам ишлашга, ижодий изланишга, билим доираларини кенгайтириб боришга ундайди.

Ғафуржон РАХИМОВ,
Республика «Баркамол авлод»
болалар бадий ижодиёт маркази
Ўқувчиларни ижодий камол
топтириш гуруҳи методисти

— Ҳар куни уйғонганимда ўзимга савол бераман: «Хўш, бугун ишим, оилам учун нималар қиламан?». Кечкурун уйкуга ётишдан олдин яна ўзимни саволга тутаман: «Бугун ишим, оилам учун нима ишлар қилдим?». Агар шу саволга атиги битта бўлса ҳам жўяли жавоб айта олсам, демек, мен ўтаётган кундан «нимадир» олиб қолган бўламан...

Мақолам қаҳрамони Анвар Ҳожиназаров суҳбатни ана шу фикрлари билан бошлади. У саволларимга тез ва бемалол жавоб берарди. Бундан унинг сўзга усталиги, ўз соҳасини яхши билиши ва унга меҳр қўйганлиги сезилиб турарди. «Бу ўқитувчи учун жуда муҳим фазилат» — ўйлаб қўйдим ичимда.

Анвар ака Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг ёш ва малакали ўқитувчиларидан. У болаларга афгон рубобидан сабоқ беради. Ўзи ҳам шу мактаб таҳсилини олган. Лицейни 1995 йили битирган. Ушандан буён шу даргоҳ бағрида. Уйдан шу ерга, шу ердан уйига шошади. «Дарахт бир жойда кўкаради» деган нақлга амал қилувчи қаҳрамонимиз бошқа ўқув даргоҳларида дарс беришга ошиқмайди. Ўзининг «Глиэр»идан қўямасин, ўзининг ўқувчиларидан айирмасин.

У ўтган йили «Халқ таълими аълочиси» бўлди. Кетма-кет — икки марта «Европага нигоҳ» («Окно в Европу») халқаро кўрик-танловидида «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» деб эълон қилинган.

Мақолани ёзишга киришар эканман, қаҳрамонимнинг фақатгина иш услуби, ўқитиш методи билан эмас, балки унинг ички дунёси, фикрлари, характери ва ҳаётга муносабати билан ҳам қизиқдим. Чунки ҳар бир ўқитувчи ўз ички дунёси ва характеридан келиб чиқиб, қулай методни шакллантириб олади. Келинг, яхши-си, Анвар аканинг мусиқа таълими бўйича қўлайдиган ўзига хос, ноодатий метод ёки усуллари билан танишайлик.

Ўқитувчига энг кераги — муомала маданияти. «Яхши гапга илон инидан чиқар, ёмон гапга пичоқ қинидан», дейишади. Қаҳрамонимиз ўқитувчининг бойлиги, кучини муомалада деб ҳисоблайди. Ҳақиқатан, шундай. Агар бири меҳрибон, мулоҳазали, иккинчиси кўрс ва тажани икки инсонни учратсангиз, ким билан гаплашган бўлардингиз? Албатта, ширин муомалали одамнинг олдида ошиқардингиз.

Анвар Ҳожиназаров ўзининг хушмуомалалиги билан лицей ўқувчиларининг меҳрини қозонган. Бундай дейишимга асос бор: суҳбатимиз давомида унинг ёнига кетма-кет ўнга яқин ўқувчи «Устоз, бир масала бор эди», деб келди. Кимдир ютугини айтиб суюнчиласа, кимдир шахсий ҳаётидаги бирон масалани ечишга маслаҳат олди. Хуллас, шундан билдимки, Анвар ака ўқувчиларга фақат устоз эмас, балки яқин ўртоқ ҳам экан. Булар қаҳрамонимиз айтган муомала маданиятининг самараси эмасми?

Анвар ака дарсларни қизиқарли ўтишга ҳаракат қилади. У бу ҳақда шундай дейди: «Янги келган ўқувчига бир ой сиз чалдирмайман, аксинча, ўзим чалиб бераман. Олдин сиз чалганда қандай ўтириш кераклигини пухта ўргатаман, қолғу тарихи билан таништираман. Афгон рубоби билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни, у инсонларга қандай наф берганию, кишилар соза қандай муносабатда

лидаги ўйлари ва имкониятларини тўла ҳис эта оламан, деб ҳисоблайман. Мақсад — ўқувчи дарсга мажбурият юзасидан ёки кўрққанидан эмас, ўз хоҳиши билан келсин».

«Созандага дам йўқ!». Бу — қаҳрамонимиз ўқувчиларининг шиори экан. Муаллим санъатни спортга қийслайди. Спортчи мунтазам шугулланмаса, кейин қийналганидек, созанда ҳам бир кун чалмаса, қўли қотиб қоларкан.

— Мухтор деган ўқувчимда шундай ҳолат кечган, — дейди Анвар ака бу ҳақдаги воқеаларни эсларкан. — У биринчи курсгача астойдил ўқимади. Берган вазифаларимни бажарарди, лекин ўз устида ишламасди, ҳар куни шугулланишга хоҳиши йўқ эди. Кўпроқ кўшиқ куйлашга қизиқарди, ҳар хил концертларда кўшиқлари билан қатнашиб юрди. Катта теннис билан ҳам шугулланганидан қўллари қота бошлади. Мен сезардимки,

ди. Ҳозир Ўзбекистон давлат консерваториясида афгон рубоби йўналиши бўйича 3-босқичда ўқияпти. «Меҳнат қилган роҳат топади» деган мақолни бошқа ўқувчиларимга Мухтор эришган муваффақиятлар билан изоҳлайман.

Ўзбек халқ мақоллари — тарбиянинг асоси. Анвар ака билан суҳбатлашиб, дарсларида қатнашиб шуни билдимки, у ўз фаолиятида мақоллардан кўп фойдаланар экан. Мусиқа таълимида мақолларнинг қай даражада ўрни бор, деган савол сизнинг ҳам хаёлингиздан ўтган бўлиши табиий. Бу саволимга у шундай жавоб берди:

— Мен мақоллар орқали ўқувчини янада шижоатли, ғайратли бўлишга, ўз мақсадлари сари дадил қадам ташлашга ундайман. «Интиланганга толе ёр», «Излаган имкон топар» каби мақоллар орқали ўз фикримни қисқа, лўнда қилиб ифодалайман. Масалан, 5-6 куй чалишни

лашдан тўхтамаслиги керак, деймиз. Хўш, Анвар ака каби ёш муаллимлар бу борада қандай фикр билдиради?

— Менинг бир одатим бор, — дейди қаҳрамонимиз. — Лицейда энг яхши ўқитувчи деб эътироф этилган устозларимизнинг дарсларига кириб, кузатишни яхши кўраман. Ахир, устоз бўлса-да, ҳали ўқувчимизку. Бу менга йўл кўрсатувчи компас вазифасини ўтайди. Мен устознинг дарс ўтиш методидаги энг самарали жиҳатларини ўзим учун оламан, уни бойитиб, ишимда қўллайман. Масалан, барчамизнинг устозимиз Бахтиёр Абдурахмонов дарс пайтида ўқувчисига ҳеч қачон қаттиқ гапирмайди. Ўзи табиатан талабчан инсон бўлса-да, болаларга қўполлик ёки зарда қилганини эслолмайман. Шундай хулосага келдимки, мусиқа таълимида чўрткесарлик, зарда қилиш ярамайди. Бу ўқувчига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Аксинча, ширин муомала ва дўстона муносабат билан яхши натижага эришиш мумкин...

Бирор мусиқа асбобини кўрган одам чалишни билмаса-да, албатта, бир тингиллатиб кўришни истайди.

ЎҚИТУВЧИГА ЭНГ КЕРАГИ...

бўлганлиги тўғрисидаги фактларни келтираман. Шундан кейин ўқувчининг қизиқиши ортади, ўз қўли билан чалиб кўришга, гўзал куйлар яратишга олиқади. Бу — менинг синалган, энг ишончли методим. Энг муҳими — дарсда оз-оздан тарбиявий маърузалар ўқиб бориш, деб ўйлайман. Бу катта аудиторияларда ўқиладиган маъруза эмас. Бу ота-бола ўртасида бўладиган суҳбатга ўхшайди. Мен ўзимни гўё дарсдан ташқари, шунчаки суҳбатлашаётгандек тутаман. Аслида эса, бу дарсимнинг бир қисми. Боланинг кўнглига йўл топиб олгач, унга яқин бўла бошлаганимни сезаман, унга ғамхўр эканлигим, уни яхши созанда қилиб тарбиялаш ниятидалигимни сездираман. Сўнг боланинг ўзи менга кўнглини очади, юрагидан ўтаётган гапларини айтади, мақсадлари, режалари билан ўртоқлашади. Бир ўқувчим бор, жуда истеъдодли. Сўнгги пайтлари ўқиши сустлаша бошлаганини сезгандим. Озгина тергасам, йиғлаб юборарди. Кейин аста суриштирдим, унга ҳар куни яхши гапирдим, акаси ёки отасидек яқин эканлигимни билдирдим. Кейин бола дилини очди. Билсам, ота-онасининг ўзаро муносабати яхши эмас экан.

Мен боланинг вазифани қандай бажаргани билангина чекланмайман. Унинг муомаласи, кийиниш маданияти қандай? Дарсдан ташқари нималар билан шугулланаяпти? Ўртоқлари билан муносабати қандай? Оиласидаги муҳит-чи? Ҳар бир ўқувчимнинг ана шу жиҳатларини билишга ҳаракат қиламан. Ана шунда мен ўқувчимнинг кўнглини, хаё-



унинг теннис ёки кўшиқ куйлашдан ҳам саз чалишга иктидори юқориқроқ эди. Унда куйни ҳис этиш, асарни бойитиб чалиш қобилияти бор эди. 1-курсга ўтгач, Мухторни олдимга ўтказиб, унинг келажақдаги мақсади қандайлигини сўрадим. У созанда бўлмоқчи эканини айтди. Кейин дадасини чакирдим ва ўз шартларимни қўйдим: агар ўғлингизнинг етук созанда бўлишини истасангиз, йўлни қатъий белгилаб олишимиз керак! Ота-сина менга «Ўғлим бугундан бошлаб созандаликни биринчи ўринга қўяди!», деб ваъда берди. Шу кундан Мухтор ўз соҳасини ўрганишга қатъий киришди. Ярим йил ичида иктидорини намойиш эта олди: Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган «Европага нигоҳ» халқаро кўрик-танловидида фахрли ўринни олиб қайт-

ўргангач, ўқувчиларимни яқлахан концерт беришга ундай бошлайман. Аввалига, ўзимизнинг лицейда — тор доирада, кейин секин-аста бошқа мактаблар, лицейларда концертлар ташкил эта-миз. Ўқувчиларим олдиниға кўрқитишди. Ҳали профессионал даражада эмасман, бу қўлимдан келмайди, дейишди. Ушанда мен «Одам қилган ишни одам қилади», «Кўз — кўрқоқ, қўл — ботир» деган мақолларни қўллаيمان-да, тенгдошларидан кам жойи йўқлигини, интилиса, албатта, уddалашини таъкидлайман. Шу тариқа биргаликда ишлаймиз.

Мен ўқувчиларга бугунги чалганимни ёзиб ол, эртага уни эшит, дейман. Ана шунда ўз хатоларининг ўзинг англаб етасан...

«Устоз эрсак-да, ҳали ҳам ўқувчимиз». Ўқитувчи ўқувчи каби ўз устида иш-

«Ижод маҳсули»дан чиройли куй таралмагач, чалиш қийин-да, деб жойига қўйиб қўяди. Ҳа, созанда бўлиш қийин. Яхши созанда бўлиш эса, ундан-да қийин. Ёки бошқачароқ айтганда, бу йўл кўп заҳмат чекишни талаб этади. Созанда ўқитувчининг масъулиятини бошқа сўзлар билан изоҳлашга ҳожат қолмади ҳисоб. Соз — сеҳрли бир куч, воcита. Ундан инсонлар кўнглини юксак-юксакларга кўтарувчи, шодлик улашувчи ва мулоҳазага чорлаб, эзгуликка ундовчи асарлар яратиш, шу асарлар билан дунё сахналарига чиқиш ҳар бир созанданинг энг катта мақсади эканлигини ўргатиш йўлида устозлар ишига самара тилаб қоламиз.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Sharh

Бизнинг асримизда ҳар қандай ўғирлик ҳам қону-нан, ҳам маънан қораланади. Уларнинг ичида интел-лектуал ўғирлик, анонроғи, плагиат энг хавфлилари-дан бири сифатида мутахассислар томонидан таъ-кидланади. Бирок бу фақат бугуннинг муаммосими ёки ўтмишда ҳам плагиат бўлганми? Уша даврда бунга қарши қандай чоралар қўлланилган? Ҳозирги кунда плагиат «уста»ларига қарши қандай курашилмоқда?

ЎТМИШГА НАЗАР

Таъкидланишича, бугун ўғирлиқнинг энг қадимий тури сифатида илмий тилда «интел-лектуал мулк ўғирлиги» дея аталувчи плагиатлик кўрсати-лади. Аммо манбаларда кўрсати-лишича, ўтмишда ҳар доим ҳам плагиат ўғирлик ҳисоблан-мас экан. Мисол учун, Гомер, Вергилий, Софокл каби буюк мутафаккирларнинг барчаси ўзларидан аввалги ўтмишдош-ларидан бирор-бир нарсани ўзлаштирганлар. Демакки, улар ҳам маълум маънода «ўғри» бўлган. Айни пайтда қизиқ бир факт: ўша Верги-лийнинг ўзи кимдир унинг асарларидан кўчирса, жуда хафа бўлар экан, дейилади «Мембрана.ру» манбасида.

ринчи галда муаллифнинг из-зат-нафсига тегади. Бирок баъзи ҳолларда интеллектуал ўғирлиқнинг қатор усуллари моддий жиҳатдан ҳам катта за-рар келтириши мумкин.

ҲОЯ ЎҒИРЛАРИ

Бугун илк марта ҳоя ўғир-ланиши қачон содир бўлгани-ни ҳеч ким аниқ айтиб берол-маслиги тушунарли ҳолдир. Бирок патент тушунчаси, ушбу ҳужжатнинг жорий этилиши мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида қилинганлиги шубҳасиз. Манбаларда келти-рилишича, илк мартаба бун-дай ҳужжат 1421 йили кема-ларни кўтарувчи қурилмани яратган архитектор Филиппо Брунеллескига берилган. Уша

лопедиясида. АҚШ қонунла-рига қўра, бундай ҳуқуққа эга-лик қилиш учун алоҳида би-рор-бир ишни бажариш талаб этилмайди. Шунчаки инсон-нинг бирор ижодий иш яқу-нида яратган ихтироси авто-матик равишда унинг мулкига айланади. Фақат келгусида бу борада муаммолар юзага кел-маслиги учун мамлакатнинг Копирайт ишлари бўйича бошқармаси муаллифлик ҳуқуқини расмийлаштиришнинг тақлиф этади. Айни пайтда ко-пирайт патентдан фарқли ра-вишда бирор-бир ғоя ёки гло-бал жараёни ҳимоя қилиш имконини бермайди. Масалан, «Ай-Пи ватчдог» («IPWatchdog») компанияси қуйидаги изохни беради: «Иккинчи жаҳон уру-ши ҳақидаги роман копирайт билан ҳимояланиши мумкин, лекин бу мавзуда янги роман-ларнинг ёзилиши ғояси ҳимоя қилинмайди».

Бир қарашда, мазкур ҳолат ижобийдек туюлади. Лекин амалда бундай эмас экан. Ми-сол учун, Маргарет Митчелл-нинг «Шамолларда қолган ҳис-ларим» романи ва бошқа асар-

файллар алмашинувини қону-ний расмийлаштириш тараф-дори бўлган шахслар эди. Сир эмаски, фойдаланувчиларнинг аксарияти улар ёқтирган фильм ёки мусиқани бепул юклаб олиш имконини бера-диган сайтларни ҳуш кўради-лар. Натихада ўзига хос ки-бержамоатчилик шаклланади.

Мазкур ҳолат асар муалли-фига ёқмас-да, оддий фой-даланувчилар учун жуда ҳам қулай тартибдир. Янги партия айнан шу нарсани тарғиб қилиб чиққан. Ўзиборлиси, партия тез орада омма ичида обрў қозонди: биринчи кўнмёк 2 мингдан ортиқ инсон ўзини унинг сафида кўришни иста-ётганини билдирди. 2010 йил-нинг февралда партия этик-чилари, муаллиф рухсатисиз интернет орқали файлларни алмашинуви бўйича мамлакат-даги энг катта сайтлардан бири — «The Pirate Bay» асосчилари бўлган тўрт нафар шахс копи-райт ҳуқуқининг бузилишида айбланиб, судланди. Уларнинг ҳар бирига катта жарима ва бир йиллик қамоқ жазоси тайин-ланди. Ана шунда қизиқ ҳолат юз берди: жамоатчилик яқол

Лекин бир неча кундан сўнг улар электрон саҳифада ман қилингани боис китобларни мутолаа қилиш имконидан маҳ-рум бўлишган.

Кейинчалик бунинг сабаби оддий экани маълум бўлди. Аниқланишича, асарларни сайтга жойлаштирган «Мобайл Рэференс» («MobileReference») компанияси уларни тарқатиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Қону-нбузарлик аниқлангач эса, «Вис-пернет» («Whispernet») симсиз алоқа тизими орқали асарлар-ни қўлга киритган ҳар бир фойдаланувчи ўз харидидан маҳрум бўлган. Тўғри, улар-нинг барча пуллари кейинча-лик қайтариб берилган.

Германияда анчадан бери самарали равишда талабалар ўртадаги плагиатлик ҳолат-ларига барҳам беришга ҳара-кат қилиб келинади. Мамла-кат қонунчилигига қўра, агар талаба Германиядаги бирор-бир университетда имтиҳондан йиқилиб (бунда қўчирмакаш-лик ёки бошқа сабаб билан-ми, унинг аҳамияти йўқ), ўқиш-

ПЛАГИАТЛИК — ЎҒИРЛИК(МИ?)

Умуман олганда, қадимда ижодкорлар хафа бўлишса-да, бир-биридан ўғирлашни тўх-татмаган. Ижодкорларнинг бири қачонлардир «плагиат — бу ўғирлик, лекин бу интел-лектуал ўғирликдир» деган. Агар кўриб чиқадиған бўлсак, бундай интеллектуал ўғирлар рўйхати чиндан ҳам одамни ҳайрон қолдиради. Ёнг кизиги, адабий соҳада ўғир-лик қилганлар орасида муко-фот олишга муяссар бўлган-лари ҳам бор экан. Масалан, америкалик ёзувчи Алекс Хей-лининг 1976 йили чоп этил-ган «Индиалар» асари қисқа фурсатда бестселлерга айла-ниб, жуда катта адабда чиқа-рилган ва сотилган. Кейинча-лик адиб Миллиел асарлар му-кофотини (National Book Award), шундан сўнг адабиёт оламида энг нуфузли ҳисоб-ланган Пулицер мукофотини ҳам олган.

Бу пайтда эса АҚШда қутил-маган ҳолат юз берди: қисқа фурсатда машҳурликка эриш-ган А.Хейлига қарши иккита арзнома судга топширилди. Уларга қўра, Маргарет Уокер ва Ҳаролд Курландер исмли шахслар машҳур адиб улар-нинг асарини ўзлаштириб ол-гани ҳақидаги даъво билан чи-қмоқда эди. М.Уокернинг таъ-кидлашича, А.Хейлининг бест-селлерларида унинг «Юбилей» номли асарининг бутун-бутун парчалари бор экан. Тўғри, кейинчалик судда бу ўз тасди-гини топмади. Лекин Ҳ.Курлан-дернинг даъвоси ҳазилга ўша-масди. Гап шундаки, бу ёш адибнинг асари «Африкалик» номи билан 1967 йили чоп этилган. Давогарининг фик-рича, А.Хейли унинг асаридан-ги 80дан ортиқ парчаларни ўзлаштириб олган. Пулицер мукофоти совриндори эса бу асарни умуман кўрмагани ва ўз романини оилавий ривоятлар асосида ёзганини таъкидлаш-дан тўхтамасди. Матларни со-лиштирганда эса мумтоз ада-биётнинг янги «вакили» ёлгон гапирётгани маълум бўлди. Шу боис жанжалга барҳам бе-риш учун у матларнинг ҳақиқий муаллифига 650 минг доллар бадал пули тўлаб, жа-зодан қутулиб қолган.

Шу ўринда бир жиҳатни таъкидлаш зарур: плагиат би-

даврларда бундай ҳолатларни бармоқ билан санаш мумкин бўлган. Шунга қарамай, 1474 йили Венецияда патент тўғри-сидаги биринчи қонун қабул қилинган.

Таъкидлаш зарурки, у вақт-да қонунлар ҳоя ўғирлашга тўқсинлик қилолмаган. Нега-ки, Миланда кимгадир патент берилган бўлса ҳам, Парижда бу борадаги Миланда қабул қилинган қонунлар кучга эга бўлмаган. Бунинг устига ахбо-рот алмашинуви воситалари у даражада ривожланмагани боис бирор-бир кашфиёт яра-тилганлиги ҳақидаги хабар узок масофаларга тез тарка-либ улгурмаган. Биргина ми-сол: манбаларда келтирилиш-чи, Галилео Галилей Гол-ландияда Ҳанс Липпершей исмли бир ёш тадқиқотчи те-лескоп ускунасини яратиб, унга патент олишни режалаш-тираётганидан хабар топади. Шунда у тез фурсатда ўзининг телескопи тақдимотини ўтқа-зиб, унга патент олишга му-ваффақ бўлади. Шу тариқа бу ихтирочи илк телескоп яратув-чиси сифатида тарихда ном қолдирган.

XX асрнинг ярмигача интел-лектуал мулк ўғирлиги асосан ишлаб чиқариш маҳсулотлари-га нисбатан қўлланилган ва у даражада оммавий тус олма-ган эди, дейилади «ФизОрг» манбасида. Вазиятга илмий-техник тараққиёт кескин ўзгар-тириш киритди. Бундан би-ринчи ўринда мусиқа олами вақиллари — артистлар ва уларнинг продюсерлари азият чекиди. Чунки мусиқа ёзиш апаратураси яратилган, ашула-ларни кўчириб ёзувчи мусиқа «ўғирлари» ҳам пайдо бўлди. Кейин навбат киносаноатга етди, сўнгра бундан ёзувчи ҳамда ихтирочилар ҳам четда қолмади. Савдо белгиларини-ку гапирмаса ҳам бўлар экан. Турли «интеллектуал мулк ўғирлари» томонидан шу пай-тгача ўзлаштириб олинган маб-лағи эса, табиийки, ҳисоблаб чиқилининг иложи йўқ.

КОПИРАЙТ НИМА?

«Копирайт» (copyright) сўзи инглизчадан олинган бўлиб, муаллифлик ҳуқуқи маъноси-ни билдиради, дейилади «Британика» электрон энцик-

лари бугун аниқ шахслар — ёзувчининг меросхўрларига тегишли. Қизиги, мана шу одамлар ўзлари асарни ёзма-са-да, копирайт ҳуқуқи асоси-да адибанинг «Шамол уларни олиб кетди» романини чоп этишга рухсат беришмагани туфайли асар дунё юзини кўрмаган. Бундай ҳолатлар эса жуда кўп учрайди.

Мутахассисларнинг айтиши-ча, йиллар ўтгани сайин вазия-т чигаллашиб боради, чунки бирор-бир бошқа ижодкор аса-ри билан умумий жиҳати бир бўлган янги асар ёки сюжетни яратиб тобора мураккаб бўлиб қолади. Копирайт тўғрисидаги қонуннинг таъсис этувчилари ҳам айнан шундай фикрда экан. Шу боис, улар муаллиф-лик ҳуқуқи ҳимояси даврини чеклаб қўйишган — ҳужжатга қўра, копирайт муаллифнинг бутун умри ва вафотидан сўнг ҳам 70 йил давомида сақла-ниб туради. Шу ўринда бир қанча ҳолатларни тилга олиш ҳоиз: 1841 йили океанортида суд АҚШнинг биринчи прези-денти Ж.Вашингтон хатлари-ни нашр эттирган архив ходи-мини муаллифлик ҳуқуқини бузганлиқда айбдор деб топ-ди. Боиси, мамлакат раҳбари вафот этганига қарамай, унинг ёзишмалари бутун дунё оли-млари учун тарихий материал сифатида қимматга эга ҳисоб-ланар экан.

1983 йили Британия элек-трон энциклопедияси — Бри-таника АҚШ таълим тизими ва-қиллари билан океанорти мам-лакати дарсликларига ундаги маълумотлардан фойдаланган-лиги учун судлашган. Ўзи-борлиси, яқунда суд Британия энциклопедияси даъвосини асосли деб топган, натижада америкалик ўқувчилар фойда-ли ахборотлардан маҳрум бўлган.

КИМНИ НАЗОРАТГА ОЛИШ ЗАРУР?

2006 йили Швецияда но-дадий бир партия шаклланиб, унинг аъзолари ўзларини очик-ойдин «Ўғирлар партия-си» деб аташган. Аҳамиятли-си, бу партия интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилиши бутун дунё миқёсида энг каттик на-зоратга олинган Швецияда ташкил топгани кўпчиликидан ҳайрон қолдирди. Партиянинг асосий етакчилари эркин



икки ғуруҳга ажралди. Бирин-чи ғуруҳ вақиллари бундай фа-олият натижасида чиндан ҳам кимнингдир ҳуқуқи поймаол қилинаётганини таъкидласа, қолганлар фақат шу йўл би-лан бутун бошли кўнгилочар саноатга эгалик қилиб олган компанияларга қарши кура-шиш мумкин, деган фикрда эди. Ёнг кизиги, судланганлар ҳўққини қайта кўриб чиқишни сураб мурожаатнома тақдим этаётган пайтда яна минглаб одамлар «Ўғирлар партияси» сафини тўлдириб бораверган, натижада икки ойда унинг аъзо-лари сони 1,5 баробарга ош-ган экан. Бирок кейинчалик улар мазкур йўл билан ахбо-рот олиш чиндан ҳам на ахло-қий, на ҳуқуқий меъёларга тўғри келмаслигини англаган, партия сафини тарк этишган.

ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Таъкидланишича, бундай ўғирликка қарши курашиш чо-ралари оз эмас аслида, лекин турли ҳудудларда турли усул-лар ҳар хил самарага эга бўла-ди. Масалан, қаердадир тўғри-дан-тўғри бозор ёки савдо дўконларига борилади ва но-қонуний тарқатилётган маҳсу-лот ноқонуний мол сифатида мусодара қилинади. Яна бошқа бир жойда эса бунга қарши интернет ёрдамида юқори технологияларга таян-ган ҳолда курашилади. Жум-ладан, 2009 йилнинг августи-да «Amazon Kindle» интернет-дўконининг минглаб фойдала-нувчилари таниқли инглиз ёзувчиси Жорж Оруэлнинг «1984» ва «Огилхона» асарла-рини ўзларининг электрон ку-тубхонасига сотиб олганлар.


Наргиза ИБРОҲИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЭНГ СЕЗУВЧАН
ТАРОЗИ

Испаниядаги Каталония нанотехнологиялар институти олимлари дунёдаги энг сезувчан тарозини яратишнинг уddасидан чиқшди. «Нейче нанотехнологи» («Nature Nanotechnology») журна-лида ёзилишича, ускуна хаттоки битта протон зарраси оғирлиги-ни ҳам ўлчаш имконига эга.

Таъкидланишича, нафақат атомлар, балки уларнинг ташкилий қисмларини ҳам ўлчаш имкони-ни берувчи ушбу тарози олимларга катта ёрдам бериши шубҳасиз. Боиси уларга турли материалларнинг энг кичик микдорини белгилашда, тиббиёт ходимларига эса бир қарашда бир хил кўринган биологик молекулалар ўртаси-даги фарқни аниқлашда ҳам айнан шу тарозининг кўмаги зарур.

Каталониялик олимлар тахминан 2 Гц частотада тебраниб, ўзига хос наномеханик резонатор (тебранма ҳаракатлар энергияси йиғиладиган ускуна) вазифаси-ни бажарувчи калта угле-род нанонайчаларидан фойдаланган ҳолда ушбу янги тарозини яратишган.



Дастлабки тажрибада ксенон моддасининг атоми-ни граммнинг септиллион (24та нолли рақам)дан бир қисми, яъни бир йоктограм-мгача аниқликдаги оғирлигини ўлчагча муваффақ бўлиш-ди. Кейинги уринишларда эса битта протон оғирлигини ўлчаган ҳолда чиндан ҳам мислсиз натижага эришилди. Бундан олдинги сезувчанлиқнинг рекорд кўрсаткичи 100 йоктограммни ташкил этган эди.

Олимларнинг сўзларига кўра, янги тарози кимё ва фаол юзалар физикасида, шунингдек, ҳужайра, биомолекула ҳамда газ молекулаларини ўлчашда қўлланилади.

ЯПОНИЯДАГИ ИЛК
МУЗЛИКЛАР

Япониялик олимлар Тояма префектурасидаги Хида тоғларида учта алоҳида-алоҳида муз массаларининг ҳаракатини аниқлаб, уларни музлик сифатида тан олиш мумкинлигини таъкидлашмоқда. Аййтиш мумкинки, бу Япония ҳудудида аниқланган илк музликлар ҳисобланади. Мавзуга оид мақола «Жапан Таймс» («The Japan Times») нашрида чоп этилди.



Олимларнинг сўзларига кўра, бу турдаги массаларни музлик сифати-да тан олиш учун уларнинг ҳарака-тини қайд этиш талаб этилади. Шу боис улар электрон тебрангич(маят-ник)лар тизимидан фойдаланишган. Ҳар бир музлик жойлашуви эса Жи-Пи-Эс (GPS) тизими ёрдамида аниқ-ланди. Қолаверса, 2009-2012 йил-лар давомида улар музларнинг ҳара-катини кузатишган ва радар ускуна-си ёрдамида музликларнинг турли нукталардаги қалинлигини ўлчаб бо-ришган. Жараёнда Хида тоғларидаги 3та муз массалари ойига 10-30 сан-тиметр тезликда ҳаракатланиши кузатишган. Уларнинг муз қатламлари қалинлиги 27-30 метр, узунлиги эса 400-1200 метрни ташкил этар экан.

СУВНИНГ АЖОЙИБ
ХУСУСИЯТИ

Австралиялик олимлар минг йиллар давомида тўғри деб ҳисобланган қарашнинг нечоғли ҳақиқатга яқин эканлигини тадқиқ қилишди. Аниқроғи, улар сув мой юзасида эркин суза олишини амалда кузатиш-ди. Мавзуга оид мақола «Langmuir» журна-лида чоп этилди.

Маълумки, паст зичликка эга суюқликлар (масалан, нефть) нисбатан зичроқ (сув каби) суюқликлар устида эркин ҳара-катланади, деган фикр мавжуд. Тадқиқотчи Чи М Фан раҳбарлигида-ги бир гуруҳ Кёртин университети олимла-ри компьютер модел-лаштириш ва лабора-тория тажрибалари асосида ушбу қараш-нинг амалда қанчалик тўғри эканини текши-риб кўришди. Якунда улар мутлақо қўтилмаган натижага дуч келишди.

Жараёнда мойга кичик микдорда сув қўшган тадқиқот-чилар томчилар мой юзасида суза олиши мумкинлигини кузатишди. Бунда иккита омил — томчи ҳажми ва мой тури муҳим экан. Оддий ўсимлик мойи майда сув томчиларини тўтиб туриш учун етарли даражадаги юза таранглигига эга, дейишмоқда мутахассислар. Минерал мойи эса бундай ху-сусиятга эга эмас. Тадқиқот муаллифларининг фикрича, ушбу маълумотлар нефть сувга сизиб чиққан вақтда тоза-лаш ишларини осонлаштиришга ёрдам беради.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



АҚШнинг Оклахома, Небраска, Айова ва Кан-зас штатларида торнадо кузатилиб, бунинг оқиба-тида биргина Оклахома-да ҳозирга қадар беш на-фар одам (улардан икки нафари болалар) ҳалок бўлган, яна 37 нафар одам жароҳат олган, бир нафар бола бедарак йўқолган.

Сербия ҳуқуқ-тарти-бот органи ходимлари Белград шаҳрида маш-хур расмом Поль Сезанн қаламига мансуб 2008 йили Цюрихдаги хусусий галере-ядан ўғирлаб кетилган ва нархи 100 миллион доллар-дан ортиқ «Қизил нимча-даги бола» суратини топиш-га муваффақ бўлди.

Россиянинг Обь шаҳри-даги «Технология» ил-мий-ишлаб чиқариш кор-хонаси мутахассислари томонидан самолётларни юқори баландликда ра-диация ва интенсив куёш нурларидан ҳимоя қиладиган металл-оптик на-ноқоплама яратишга эри-шилди.

Kitob.uz да on-line
мулоқот!!!

Республика болалар кутуб-хонасининг www.kitob.uz сайтида юртимизнинг севим-ли шоир ва ёзувчилари би-лан тўғридан-тўғри on-line мулоқот ташкил этилмоқда. Ушбу мулоқот давомли тарзда ўтказилиб, илк on-line мулоқот жорий йилнинг 24 апрель куни соат 10:00 дан 11:00 гача болаларнинг се-вимли ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев иштирокида таш-кил этилиши режалаштирил-ган.

ЭСЛАТМА: kitob.uz сайти-да саволларни олдиндан юбо-риш имкони мавжуд. Энг қизиқарли савол эгалари му-кофотланади.

On-line мулоқотнинг web манзили: www.kitob.uz, www.forum.kitob.uz

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирлиқнинг меҳнат фак-рийси

Раъно Назаровна
ОТАБЕКОВАнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик бил-диради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси бўш иш лавозимларига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Тузилма номи	Штат бирлиги-нинг сони
1.	Фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш ва адабиётларни бериш хизмати	8
2.	Ўқиш заллари хизмати	20
3.	Маълумотнома-ахборот хизматлари кўрсатиш хизмати	7
4.	Халқаро алоқаларни ташкил этиш хизмати	2
5.	Электрон буюртмаларни мувофиқлаштириш ва ресурсларни масофага етказиб бериш хизмати	4
6.	Ўқув залларининг ёрдамчи фондлари хизмати	3
7.	Ахборот-кутубхона фондларини комплекташ хизмати	7
8.	Каталоглаштириш ва туркумлаштириш хизмати	8
9.	Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизмати	10
10.	Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати	4
11.	Ихтисослаштирилган фондларни ва мажбурий нусхани сақлаш хизмати	6
12.	Китоб фондини ва даврий нашрларни сақлаш хизмати	12
13.	Диспетчерлик хизмати	7
14.	Илмий-методик ва тадқиқот хизмати	4

Иш ҳақи: асосий иш ҳақи + лавозим маошидан 75 % микдоригача махсус устама ҳақ.

Дикқат!

I. Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни 2012 йил 10 майга қадар топшириши талаб қилинади:

- директор номига ариза;
 - маълумоти ҳақидаги диплом ва сертификат нусхаси (асли суҳбатлашув куни тақдим этилади);
 - кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (анкета);
 - г) 1 донa 4,5x6 ўлчамли фотосурат.
- II. Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан ишчи комиссия томонидан кўриб чиқилади.
- III. Комиссия билан суҳбатлашув Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилади.
- IV. Танловни ўтказиш муддати аризалар келиб тушишига қараб белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси.

Мўлжал: Мустақиллик метроси, Маърифат маркази.

Маълумот учун телефонлар: 239-18-01; 232-83-98; 232-83-89.

ЯХШИ ГАПНИНГ ТАЪСИРИ

бизни эзгулик сари етаклаган

Устозлардан ёлчиганман. Улар мени тўғри йўлга бошлаб, бугунги манзил сари етаклаб келган.

Жуда шўх бола бўлганман, аммо дарс қолдирмасдим. Тўполончи, ўзимча "ақлли", "тили беш қарич" ўқувчилар. Шунга қарамай, ўзим яхши кўрадиган адабиёт, тарих, география дарсларида ўқитувчини жимгина тингладим.

Немис тилидан кекса Полина Климмер дарс берарди. Ўша пайтлари чет тили номигагина ўтилар, на биз ўқувчилар, на ота-онамиз ва на ўқитувчилар бунга жиддий қарарди. Чунки чегаралар ёпиқ, ҳеч кимнинг чет элга чиқишга ишончи йўқ, кўпчиликда нима учун тил ўрганишим керак? деган тушунча бор эди. Хали-хали эсимда, бир куни сал "ошириб" юбордим, шекилли, Полина Давидовна менга юзланиб: "Муслим, сен жуда ақлли боласан, бироқ тарбиянг чатоқроқ", деди. Илтимос оҳангидида бу оғохлан-тириш жуда қаттиқ таъсир қилди. Мен ўзгардим. Аввалги ўзини ҳам, фанини ҳам менсимганим Полина Давидовна билан иноқлашиб кетди. Немис тили бўйича олимпиадада қатнашиб, шаҳар микёсида совриндор бўлдим. Педагогикани яхши билганим ёки оналик тажрибасидан фойдаланганим — ўқитувчимни яхши кўриб қолгандим. Бетоб бўлганда йўқлаганим эсимда. Ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетган эди устоз ўшанда...

Адабиёт фанидан Сулаймонхўжа Исмоилхўжаев сабоқ берар, қаттиққўлроқ бўлганидан дарсда болалар жим ўтиришарди. Бир куни устоз Ватан ҳақида шеър машқ қилиб кўришни уйга вазифа қилиб берди. Уч банддан иборат шеър ёздим.

Тарих фанидан Салтанат Ғуломовна кирарди. Бир куни галдаги шўхлигимдан кейин мени йўллака олиб чиқиб, "Муслим, шу қилиқлар ярашмайди, сизга? Кўзингизда маъно бор. Бир ишга киришсангиз, уддалай оласиз. Фани яхши биласиз, бешга ўқишингиз мумкин. Жуда зерикаётган бўлсангиз, ётоқхонанинг биринчи қаваатидаги драма тўғрисида катнашинг — эпласиз..." деганди. Жиги-бийрон ҳам бўлмади, газаб-нафрат оҳанглари ҳам сезилмади. Секингина, ҳаммасини кулоғимга қуйиб қўйди. "Жилвони тортиб қўйиш" шунақа бўлса керак-да. Буни ҳам уддалаган қилади.

Ustoznoma

Драма тўғрисида кириб бордин. Тўғрак раҳбари Иза Исаева Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида актёрлик маҳоратидан дарс бераркан. Тўғракда Мар Байжиевнинг "Қорақум фожеси" пьесасининг бир пардаси сахналаштирилди, мен илк бор томошабин ҳузурига чиқдим. Пьесанинг нималигини, "настоляная читка" қанақалигини билдим, шеър ўқишни ўргандим. Катта-катта сахналарда ижодий чиқишлар билан қатнашдим...

Сўнг Тошкент театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Тошкент санъат институти) талабаси бўлиш насиб қилди. Бироз улайган бўлсам-да, шўхлиқларим ҳамон қолмаган эди. Дарслар жиддий, домлар ундан-да жиддий. Лекин ёшлик экан-да...

Бу ерда Ирина Гринберг рус адабиёти фанидан таълим берарди. Бир

куни дарсга халақит қилдик. Домла дарсдан сўнг: "Умрингизни бекор ўтказиб юбораётганингиздан ташвишдаман. Институтдан ҳеч нарса олиб кетмасангиз, талабалик йилларини майна-возчилик билан ўтказиб юборсангиз, қандай бўлади? Иктидорингиз бўлмаса ҳам майли эди. Шахсан менинг фанимни аёлга биласиз-ку, дарсда ўзингизни тутишингизни қаранг", деб узоқ гапирди. Институтда «Бадий ўқиш ижрочилари» кўрик-танлови бўлаётгани, мен ҳам, албатта, қатнашим кераклигини ўқирди. Ирина Соломоновнанинг шогирди бўлиб, шу танловда учинчи ўринни эгалладим. Кейин телевидение суҳандони бўлишдек қутилмаган бахтга эришдим.

Ха, ўқитувчиларим кўрсатган йўлдан юриб, бугунги манзилга етдим. Телевидение суҳандони сифатида "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига, "Халқ таълими аълочиси" деган шарафга муносиб кўрилдим. Бир қанча китоблар ёздим... Мен буларни мақтаниш учун эмас, чин ўқитувчилар қандай бўлиши кераклигини, инсон тақдирда устознинг ўрни ҳақидаги фикрларимни баён қилиш мақсадида келтирдим.

Устозларим ҳаётимда ўчмас из қолдирган, манتيқий фикрлар, вақтингиз қадрига етишга ўргатган, билим олишининг зарурлигини тушунтира олган. Уйлайманки, улардан бекиб ва беиннат кўмак олган биргина мен эмасман...

Муслимбек
Йўлдошев

Илдуст Солихбоев билан ўтган асрнинг 70-йиллари яқиндан танишганимиз. 1977 йили ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)нинг биология-тупроқшунослик факультетида доцент лавозимда ҳамда касба уюшмасининг раиси сифатида фаолият юрита бошлади. У факультетимиздаги деярли чорак асрлик фаолияти давомида талабаларга умуртқалилар зоологияси, индивидуал ривожланиш биологияси, тернология фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар олиб борди. Бу йиллар ёш олим учун ўзига хос изланишлар даври бўлди. Натижада у қатор дастурлар, услубий ишланмалар ва икки қисмдан иборат «Индивидуал тараққиёт биологияси» ва «Ривожланиш биологияси» деб номланган ўқув қўлланмалари муаллифи бўлди.

Илмпарвар инсоннинг кафедра илмий йўналиши

Xotira — muqaddas

САДОҚАТЛИ ДЎСТ ВА БИЛИМДОН ОЛИМ

лари асосида «Хўжалик шартномаси» бўйича Республика Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфидида Овчилик бошқармаси билан тузилган «Кадастр» дастури асосида илмий гуруҳга раҳбарлик қилгани ва Республикаимизнинг ҳайвонот дунёси тўғрисида «Кадастр» тузиб, маълумотлар Давлат ҳужжатларида нашр қилингани, Ўзбекистон ва хориждаги илмий журналларда кўпгина илмий мақолалари чоп этилгани тўғрисида ҳам узоқ гапириш мумкин.

Узоқ йиллар давомида талабаларнинг дала амалиётига раҳбарлик қилган Илдуст Солихбоевнинг ташкилотчилик қобилиятини ҳали-ҳануз эслаб тура-миз.

Бир куни у тоғ ҳудудига жойлашган палаткамиз ёнига мевали дарахтлар экиб, суғориш учун ариқ қаздириб сув келтирган эди. Биз бу тепаликка сув чиқмаслигини айтганимизда, у мен бу ернинг рельефини яхши биламан, деб лагерага сув келтирганди. Бу каби муҳандислик ишларининг билимдони ва устаси И.Солихбоевнинг фазилатларидан бири шунда эдики, эскириб яроқсиз бўлган асбоб-ускуналардан дала амалиётларида электр ёриткичлари, хонани иситиш учун керак бўладиган асбобларни ўзи ясаб берар, бузилган жойларини таъмирларди.

Илдуст рафикаси Елена Сергеевнани жуда севар эди. Пахта далаларида, сафар шароитида унинг учун албатта, кичкина бўлса ҳам совға тайёрлаб қўярди. И.Солихбоев талабаларга, ҳамкасбларига қаттиқ гапирмайдиган, кечиримли, жуда ҳушқадқак, одамохон эди. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам талабалар билан умумий тил топиб «айланай» деган сўз билан ҳамманинг кўнглини оларди.

И.Солихбоевнинг талабалар, аспирантлар ва ёш ўқитувчиларга қолдирган илмий мақолалари, дарслик ва ўқув қўлланмалари аудиториялар учун шамчироқ бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

МУХСИН ВАЛИХОНОВ,
профессор,
Файзулла МУХСИМОВ,
доцент

УСТОЗЛАР КЎМАГИДА

Юнусобод туманидаги 258-мактабда 1300дан ортқ ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларга сабоқ бераётган 77 нафар ўқитувчи орасида педагогика соҳасига эндигина қадам қўйган, илмий-услубий кўмакча муҳтож ёш мутахассислар ҳам бор. Уларга катта педагогик стажга эга, илғор тажрибали устоз-ўқитувчилар «Устоз-шогирд» мактаби йўналишида касб сирларини ўргатишмоқда.

— Шогирдларимнинг таълимга оид меъёрий ҳужжатларни ўрганишига алоҳида аҳамият қаратайман, — дейди устоз ўқитувчилардан бири Иқбол Нуриддинова. — Бу уларга ўз ҳуқуқ ва бурчларидан хабардор ҳолда, тизимли иш олиб боришларида қўл келади. Ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётга татбиқ қилишга ўргатиш асосий вазифаларимиздан биридир.

Ушбу устознинг шогирдлари Малика Саидмахмудова, Нигора Хошимова ҳамда Умида Қаландарова каби ёш ўқитувчилар педагогика, психология, маънавият ва маърифат соҳаларидаги янгиликларни, тарбиявий ишлар, ота-оналар ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича илғор тажрибаларни кўнгил билан ўрганишмоқда.

— Биз устозимиз ёрдамида «чархпалак», «зигзаг», «6х6х6», «семинар» ҳамда «кўнча бозор» каби ўнлаб интерактив усулларни ўрганиб, улардан дарсларимизда унумли фойдаланяпмиз, — деди Нигора Хошимова. — Айниқса, «Устоз-шогирд» мактаби янги ишга келганимизда ҳис-ҳаяжонларни енгишим, ўқувчилар билан мулоқот маданиятини ўзлаштиришимизда жуда асослидир.

Рихсихон ХУДОЁРОВА,
Муборак ҲОЛОВА,
Юнусобод туманидаги
258-мактабнинг ўқитувчилари



Апрел — estetik fanlar oyligi

МЎЙҚАЛАМ СЕҲРИДАН МАМНУН ЎҚУВЧИЛАР

Бугун юртимизнинг барча умумтаълим мактабларида эстетик фанлар (музыка, меҳнат, тасвирий санъат ва чизмачилик) ойлги турли маънавий тадбирларга бой тарзда ижодкорлик билан ўтказилмоқда. Сергели туманидаги 269-мактабда ҳам бу ойлк ўқув-

чиларнинг қизиқишларини ошириш ва тасаввурларини бойитиш асосида олиб борилмоқда. Жумладан илм масканида 2—30 апрель кунлари «Биз гўзаллик яратамиз» шiori остида «Рангар жипоси» расмлар кўргазмаси ўтказилиши режалаштирилган бўлиб

унда барча синф ўқувчилари ўз ижод намуналарини навбати билан намойиш этиб бормоқдалар. Бунда таълим муассасасининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси Носир Акбаровнинг меҳнатлари катта бўлмоқда. Олий тоифали ўқитувчи томонидан тайёрланган кўргазмалар воситалар, деворий газеталар ўқувчиларнинг бу фанларга бўлган қизиқишларини оширмоқда. Устознинг саъй-ҳаракатлари билан кўлига мўйқалам ушла-

ган ўқувчиларнинг қувончини айтмайсиз. Кўргазмада ҳафта давомида фаол иштирок этган ва ижодий иши намуналар деб топишган ўқувчилар рағбатлантириб боришмоқда.

МУХБИРИМИЗ
А.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ГЕРМАНИЯДА 10 КУН

Германиянинг Бергиш Гладбах шаҳридаги Рейн гимнастика федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўртасида 2011 йил 14 майда болалар спортини ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик битими имзоланганди. Федерация тақлифига биноан 2012 йилнинг 14—24 март кунлари 17 кишидан иборат Ўзбекистон делегацияси Германияда бўлиб қайтди.

Ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад, юртимизда бугун мазкур спорт турлари билан шуғулланиб келаётган ўқувчилар орасидан иқтидорлиларини, вилоят ва республика мусобақаларида намунали иштирок этаётган, доимий равишда спорт билан шуғулланиб келаётган ёшларни саралаб олиб, Германияда бўлиб ўтадиган халқаро турнир ҳамда ўқув-йигин машғулотларига жалб этишдан иборат.

Ташриф мобайнида режага асосан спорт делегацияси Бергиш Гладбах шаҳридаги Рейн гимнастика федерациясида, Кёльн шаҳридаги тарихий обид ва музейларда, Дюсселдорф шаҳрида бадий гимнастика спорт саройида ва Мария Курие номидаги гимназия спорт мажмуасида, Леверкузен шаҳридаги «Байер» спорт мажмуасида, «Фантазияленд» болалар дам олиш паркида бўлишди. Ҳаваскор спортчиларимиз машғулотлар ўтказиб, халқаро турнирда ўз имкониятларини синаб ҳам кўришди.

Ўн кунлик ташриф натижасида ҳамкорларимиз Германиядан бир олам таассурот билан қайтди. Бундай тadbirlar эса ёш авлоднинг спорт ва jismoniy tarbiyaga бўлган меҳрининг янада ортишига сабаб бўлиши шубҳасиз.

МУХБИРИМИЗ

МАКТАБ ЎЙИНГОҲИДА ХОТИРА ТУРНИРИ

Зомин тумани Тиғирик қишлоғидаги 26-умумтаълим мактабининг стадиони баҳорнинг серкуёш кунларида бирда томошабинлар билан гавжум бўлди. Шу кунни мактабнинг собиқ ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси, Абдукарим Омонов хотирасига бағишлаб турнир ўтказилди.

Абдукарим Омонов Сирдарё ва Жиззах вилоятларида 50 йилдан кўпроқ ўқитувчилик қилди. Шу боис, волейбол бўйича ўтказилган турнирга икки вилоятдан жамоалар тақлиф этилди.

— Қишлоқ жойларида ҳам спортни ривожлантиришга кўрсатилган эътибор барчамизни қувонтирмоқда, — дейди устознинг қизи, 26-мактаб ўқитувчиси Ман-

зура Омонова. — Бу ёшларимизнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказишига кенг имконият яратмоқда. Барча қулайликка эга бўлган спорт зали ва футбол майдони фарзандларимизнинг jismoniy tarbiyasiga баркамол вояга етишига хизмат қилмоқда.

Қизгин баҳслар асосида ўтган мусобақа якунида ғолиблар аниқланди. Фориш тумани волейболчилари 1-ўринни қўлга киритди. Зомин тумани жамоаси 2-ўринни эгаллаган бўлса, Зарбдор тумани спортчилари 3-ўрин насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар ҳамда номинациялар соҳибларига тadbir ташкилотчилари томонидан эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

Абдусаттор СОДИКОВ

Косонсой туманидаги 45-ихтисослаштирилган имконияти чекланган болалар махсус мактабда ташкил этилган «Мастер-класс» иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдири.

Тadbirда Миллий паралимпия ассоциацияси бош мураббийи Абдуқаҳҳор Азизов, 2008 йили Гуанжоуда бўлиб ўтган халқаро мусо-

чилар томонидан ўқувчиларга юз донга спорт кийимлари ҳам тўхфа этилди.

Айтиш мумкинки, мазкур мактабда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Бунга мактаб ўқувчилари эришган ютуқларда ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, Шоҳиста Абдусатторова математика фани бўйича республика олимпиадасида ғолиб чиқди, То-

Master-klass

яратиб берилган қулай шарт-шароитлардан фойдаланган ҳолда билим олишмоқда, — деди 45-ихтисослаштирилган имконияти чекланган болалар махсус мактаби директори Мукаррамхўжа Орипов. — Замонавий ўқув жиҳозлари, махсус мактаблар учун жорий

БОЛАЛАРНИ ЯНАДА РУҲЛАНТИРДИ

бақанинг кумуш медали соҳиби Миран Сихатов (енгил атлетика), 2009 йили АҚШда ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби Хусан Абдиев (дзюдо), 2009 йили Японияда кечган жаҳон чемпионати кумуш медали соҳиби Илҳом Чубаев (енгил атлетика) каби таниқли ҳамда тажрибали паралимпиячилар дзюдо ва енгил атлетиканинг бир неча усуллари бўйича машғулот ўтказишди. Шунингдек, ташкилот-

ҳиржон Жамбулов, Ойлархон Хайитова, Сайёра Абдурашидова ўтган йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича махсус мактаб-интернатлар ўртасидаги мамлакат биринчилигида умумжамоа ҳисобида 1-ўринни банд этди. Фурқат Бозоров эса махсус тўп билан ўйналадиган мини-футбол бўйича республика биринчилигида 3-ўринни олди.

— Бугун 250 нафардан зиёд имконияти чекланган бола давлатимиз томонидан

этиланган таълим технологияси ўқувчиларимизнинг пухта таълим-тарбия олишлари, jismoniy tarbiyasiga билан шуғулланишлари учун асос бўлмоқда. Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган «мастер-класс» тadbiri тарбияланувчиларимизни руҳлантириб, ўқиш ва спорт соҳасидаги иштишларига қанот бағишлайди.

Х.АБДУРАХМОНОВ

Наманган вилояти

ХЎЖАКЕНТДА СПОРТ БАЙРАМИ

Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Хўжакент дам олиш масканида тармоқ ходимлари ўртасида спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Беллашувлар давомида иштирокчилар мини футбол, стол тенниси (эркаклар), қўл түпи, шахмат (аёллар) бўйича ўзаро куч синашишди.

— Мазкур тadbirни ўтказишдан мақсад, спортнинг оммавийлигини таъминлаш, тармоқ ходимларининг jismoniy tarbiyasiga ва спортга бўлган қизиқишларини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборат, — деди тadbirнинг очилиш маросимида Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси ви-

лоят кенгаши раиси А.Зохидов.

Икки кун давом этган тadbirlar доирасида «Маънавият соатлари», меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, мусиқий дастурлар ҳам ташкил этилди.

Kasaba uyushmalarida

Қизгин баҳслар билан ўтган беллашувларда шахмат бўйича бекободлик Галина Ким, стол тенниси

бўйича Зангиота тумани вакили Иззатилла Нуриддинов биринчи ўринни қўлга киритди. Қўйинчиликлар қўл түпи усталари сифатида, Бўстонлик тумани жамоаси эса мини футбол бўйича шоҳсулага кўтарилди.

Ғолиб ва совриндорлар вилоят кенгашининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлар билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 4-сонли, 2001 йил 6 июлдаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танлови ғолибларига илмий даража ва илмий унвон бериш тўғрисида»ги 290-сонли қарорлари асосида Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг иштиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2012»

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи 2012 йил республика танловини ўтказиш тўғрисида» Низомига катъий амал қилинган танловда республика олий таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва умумий ўрта таълим муассасалари педагоглари, илмий тadbirkot муассасаларининг илмий ходимлари, муаллиф ёки муаллифлар жамоаси (шу жумладан, ижодий гуруҳлар) нашр этилган дарслик ва ўқув адабиётлари (ўқув қўлланма, электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма ва шу кабилар) билан иштирок этишлари мумкин.

Танлов куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
2. Математика ва табиий-илмий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
3. Умумқасбий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
4. Мутахассислик (йўналиш) фанлари бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
5. Аxborot-kommunikatsiya texnologiyalarini ўқув жараёни ва амалиётга тadbirkot этишга хизмат қиладиган энг яхши дарслик, электрон дарслик, дастурий махсулот ва ўқув қўлланма.
6. Ёшлар онгига миллий ғояни сингдиришга ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
7. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
8. Узвийлик ва узлуксизлик таълим жараёнини шакллантирувчи энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
9. Касбий кўникма ва замонавий педагогик технологияларни тadbirkot этишга хизмат қилувчи энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
10. Маданият, санъат, архитектура ва дизайн соҳасига доир ўқув адабиётлари.

Танловга куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- муассаса ёки ташкилот раҳбари томонидан имзоланган йўлланма хати ва Илмий (педагогик) кенгаши қароридан кўчирма;
- танловда қатнашувчи муаллиф(лар)нинг фамилияси, исми, шарифи,

илмий даражаси ва унвони, иш жойи, лавозими, ўқув адабиётининг номи кўрсатилган маълумотнома;

- муаллиф(лар) паспортидан нусха;
- тақдим этилаётган адабиёт (2 нусхада) ва мазкур адабиёт бўйича фан дастури;
- Мувофиқлаштирувчи (ёки ваколатли) Кенгаш томонидан адабиётни нашр этишга берилган гувоҳнома ва буйруқдан нусха (кўчирма);
- ўқув адабиётига олинган тақризлар (камида 2та, жумладан биттаси таъши), матбуотда чоп этилган мақолалардан кўчирма;
- Давлат Патент идорасида рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (электрон нашрлар учун);
- танловда қатнашаётган ўқув адабиётлари жилдли ҳужжатларининг рўйхати (реестри).

Барча ҳужжатлар танлов комиссиясининг Ишчи органи Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига топширилади.

Танлов шартлари бўйича эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомидида (25 июлгача) танлов ҳужжатлари белгиланган тартибда тақдим этилади.

Номинациялар бўйича ғолибларни тақдирлаш:

- 1-мукофот: I даражали диплом ва пул мукофоти (битта ўрин);
- 2-мукофот: II даражали диплом ва пул мукофоти (битта ўрин);
- 3-мукофот: III даражали диплом ва пул мукофоти (битта ўрин).

Танлов ғолибларининг дарсликлари 2- ва ундан кейинги нашрдан чиққан тақдирда, ўрнатилган тартибда илмий унвон ва илмий даражалар олишга даъвогар бўлишлари мумкин.

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» 2012 йил республика танловининг Низомига катъий амал қилинган танловда иштирок этиш марказида танишишлари мумкин.

Танловга тақдим этилган ҳужжатлар, ўқув адабиётлари ва тақризлар қайтарилмайди.




Манзил: Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. тел.: 233-34-20, 233-34-22, факс: 233-34-02

Ташкилий қўмита



Китоб миллатнинг қалб ва ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



Мухтарам китобсеварлар! Ўзбек миллий маданий мероси, мумтоз адабиёти, ҳозирги замон адабий-бадиий ҳамда санъатига оид асарлар, жаҳон адабиётининг ўзбек тилидаги намуналарини бизнинг нашриёт-матбаа ижодий уйимиздан харид қилишингиз мумкин.

Нашрларни юқори сифатда адабий таҳрир қилиб, бадиий безаш, чоп этиш, матбаа хизматларига тўловнинг тезкор ва арзон тизимини фақат шу ердан топасиз.

Сизга тақдим этилаётган буюк ва таниқли шоир-ёзувчиларнинг бебаҳо дурдоналаридан бебаҳра қолманг!

Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Телефонлар: (+99871) 241-83-29, 241-48-67, 241-25-24. Web-сайт: www.iptdgulom.uz E-mail: iptdgulom@sarkor.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Akmal
ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. G-418.
Tiraji 49949.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qo'g'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar tagriz
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.
Navbatchi muharrir:
Sharifa MADRAHIMOVA.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

ЎЗА якуни — 21.45
Topshirildi — 21.50